БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 95 (5686).

24

Апрель 1985 й.

ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

Баҳоси 3 тийин.

Кеча Москвада КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» доклад қилди.

Пленум КПССнинг навбатдаги XXVII съездини 1986 йил 25 февралда чақиришга қарор қилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 23 апрель куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлди. Пленумда «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев доклад қилди.

Шу масала юзасидан музокараларда Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, В. И. Ленин номидаги «Минск трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг асбобсоз слесари Е. И. Климченко, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно, КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари А. П. Филатов, СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари А. В. Власов, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти П. Н. Федосеев, станоксозлик ва асбобсозлик саноати министри Б. В. Бальмонт ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленум М. С. Горбачевнинг доклади юзасидан қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Марказий Комитет Пленуми В. М. Чебриковни Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказди, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари Е. К. Лигачев ва Н. И. Рижковни Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзолари қилиб сайлади.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР мудофаа министри С. Л. Соколовни Марказий Комитет Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси В. П. Никоновни КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВ доклади

Ўртоқлар! Партиямиз, совет халқи ва социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният кеча Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 115 йиллигини тантанали нишонладилар.

Бутун ҳаёт, тарихнинг бутун бориши Ленин таълимотининг буюк ҳаққонийлигини яққол тасдиқламоқда. Бу таълимот биз учун олға томон ҳаракат стратегияси ва тактикасини белгилашда дастуриламал, илҳом манбаи, ишончли компас бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Ленин коммунистларга ҳамма ишда меҳнаткашларнинг манфаатларига асосланиш, ҳаётни чуқур билиш, ижтимоий ҳодисаларни реалистик, синфий позицияларда туриб баҳолаш, коммунизм идеалларини амалга оширишнинг энг яхши йўлларини доимо ижодий изланиш керак, деб таълим берган эди.

Бугунги кунда биз ўзимизнинг ишларимиз ва режаларимизни Ленинга, унинг улуғ ғояларига қиёс қиламиз, Ленин васиятларига мувофиқ яшаб, ишламоқдамиз.

Бизнинг Пленумимиз катта сиёсий аҳамиятга молик масалаларни — партиянинг навбатдаги XXVII съездини чақириш ҳамда унга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиши лозим.

Сиёсий бюро КПСС Уставига мувофиқ партиянинг навбатдаги съездини 1986 йил 25 февралда чақириш тўғрисидаги таклифни киритади. Съезд кун тартибига қуйидаги масалаларни киритиш таклиф этилади:

1. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботи ва партиянинг вазифалари.

2. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Янги таҳрирдаги КПСС Программаси тўғрисида.

4. КПСС Уставидаги ўзгартишлар ҳақида.

5. 1986 — 1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида.

6. Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Марказий Комитети билан КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисоботлари юзасидан, шунингдек Иқтисодий ҳамда социал ривожланиш асосий йўналишлари ҳақидаги масала юзасидан тегишли докладларни тинглаб, муҳокама этиш назарда тутилмоқда. Янги таҳрирдаги КПСС Программасига ва унинг Уставидаги ўзгартишларга келганда уларнинг моҳиятини Марказий Комитет ҳисоботида кўрсатиб бериш ва алоҳида докладлар қилмаслик мумкин.

Съездга 3670 коммунистдан бир делегат, яъни жами 5 минг кишини сайлаш таклиф этилади. Бу партиямизнинг барча ташкилотларидан вакилларнинг яхши иштирок этишига, унинг социал ва миллий составини акс эттиришга имкон беради.

Съездгача қолган ўн ой мобайнида XXVI съездидан кейин бажарилган ишларнинг якунларини ҳар томонлама таҳлил этиш ва уларга реалистик баҳо бериш, бундан буёнги ривожланиш истиқболларини, ички ва ташқи сиёсат вазифаларини белгилаб олиш лозим бўлади. Энг муҳим ҳужжатларни ва аввало янги таҳрирдаги КПСС Программаси, яқин беш йилликка ва шу аср охиригача мўлжалланган ривожланиш асосий йўналишлари каби энг асосий ҳужжатларни тайёрлаш, уларни КПСС Марказий Комитети Пленумида кўриб чиқиш, сўнгра эса партия ва мамлакатда кенг кўламда муҳокама қилиш керак. Партия ташкилотларида ҳисобот ва сайловларни юксак савияда ўтказишга, ўн биринчи беш йилликни муносиб равишда тугаллашга зўр эътибор бериш талаб қилинади.

Хуллас бу давр сиёсий, иқтисодий, ташкилий, ғоявий-назарий соҳаларда қизғин ва атрофлича ишлаш даври бўлади.

Бугун биз партия XXVI съезди билан Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлигини яна бир бор тасдиқлаймиз. Ленинчасига тушунилганда давомийлик муттасил олға ҳаракат қилишни, янги проблемаларни аниқлаб, ҳал этишни, ривожланишга ҳалақит бераётган нарсаларнинг ҳаммасини бартараф қилишни билдиради. Биз шу ленинча анъанага оғишмай амал қилишимиз, бизнинг партия сиёсатимизни, бизнинг ривожланган социализмни такомиллаштиришдан иборат бош йўлимизни бойитиб, ривожлантира боришимиз керак.

КПССнинг бўлажак XXVII съезди шубҳасиз, мамлакатни ривожлантиришда бутун бир даврга тенг босқич бўлиб қолади. Унинг аҳамияти муҳокамага қўйилаётган масалаларнинг биринчи даражада муҳимлиги, бошдан кечирилаётган даврнинг характери, жамият олдида пайдо бўлаётган вазифаларнинг янгилиги ва кўлами билан белгиланмоқда. Бу ҳол партиянинг съездолди бутун ишига алоҳида оҳанг бахш этмоқда, вужудга келган вазиятни чуқур идрок этишни, дадил қарорлар қабул этиш ва зўр ғайрат билан ҳаракат қилишни талаб этмоқда.

Мамлакат ижтимоий турмушининг барча соҳаларида катта-катта муваффақиятларга эришдик. У янги тузум афзалликларига таянib, тарихан қисқа муддат ичида иқтисодий ва социал тараққиёт чўққиларига чиқиб олди. Эндиликда Совет Иттифоқи қудратли, ҳар томонлама ривожланган экономикага, малакали ишчи кадрларга, мутахассислар, олимларга эга. Биз ишлаб чиқаришни, фан ва техникани ривожлантиришнинг кўпгина йўналишларида жаҳонда етакчи позицияларни мустаҳкам эгаллаб турибмиз.

Социал турмушда чуқур ўзгаришлар содир бўлди. Тарихда биринчи марта меҳнат аҳли мамлакат ҳўжайини, ўз тақдирининг ижодкори бўлиб қолди. Гарантияланган меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унга ҳақ тўлаш, инсон туғилгандан то кексайгунга қадар жамият унинг тўғрисида ғамхўрлик қилиши, маънавий маданиятдан кенг баҳраманд бўлиш, шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, меҳнаткашларнинг бошқаришдаги иштирокини муттасил кенгайтириб бориш— буларнинг ҳаммаси социалистик турмуш тарзининг доимий бойликлари, ажралмас белгиларидир. Ана шу бойлик ва белгилар — сиёсий барқарорликнинг, социал оптимизм ва келажакка комил ишончнинг ғоят муҳим манбаидир.

Совет кишилари мана шуларнинг ҳаммаси билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар. Аммо ҳаёт, унинг жўшқинлиги бундан буёнги ўзгартишлари, ғоят кенг маънода айтганда жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу энг аввало ишлаб чиқаришни фан-техника жиҳатдан янгилаш ва жаҳонда энг юқори меҳнат унумдорлиги даражасига эришишдан иборатдир. Бу ижтимоий муносабатларни ва биринчи навбатда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш демакдир. Бу меҳнат соҳасидаги социал ўзгартишлар, кишиларнинг моддий ва маънавий турмуш шароитларидаги ўзгартишлардир. Бу сиёсий ва ижтимоий ташкилотлар бутун системасини активлаштириш, социалистик демократияни, халқнинг ўзини-ўзи бошқарувини чуқурлаштириш демакдир.

Совет жамиятини ривожлантириш экономикадаги сифат силжишлари билан, уни интенсив ўсиш изларига ўтказиш билан, самарадорлик ни ҳар томонлама ошириш билан ҳал қилувчи даражада белгиланади. Айни мана шу позицияларда туриб халқ хўжалигидаги аҳвол баҳоланиши ва келгусидаги вазифалар белгиланиши лозим.

Маълумки, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш соҳасида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда кейинги йилларда ноқулай тенденциялар кучайди. Талайгина қийинчиликлар вужудга келди. Партиянинг актив иши туфайли 1983 йилдан бошлаб халқ хўжалиги кўпгина бўғинларининг ишини силжитишга ва аҳволни бирмунча яхшилашга муваффақ бўлинди. Бироқ қийинчиликлар ҳали бартараф этилганича йўқ, бинобарин биз олға томон тез ҳаракат қилиб бориш учун пухта негиз вужудга келтириш мақсадида кўп куч-ғайрат сарфлашимиз лозим бўлади.

Хўш, қийинчиликларнинг сабаби нимада? Бу саволга бериладиган жавоб партия учун принципиал аҳамиятга эга эканлигини ўзларингиз тушунасиз.

Табиий омиллар ва бир қанча ташқи омиллар таъсир қилди, албатта. Аммо ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитларидаги ўзгаришларга, уни интенсивлашни жадаллаштириш зарурлигига, хўжалик юритиш методларидаги ўзгаришларга ўз вақтида тегишли тарзда баҳо берилмаганлиги ва, энг муҳими, иқтисодий соҳада йирик тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширишда қатъият кўрсатилмаганлиги асосий сабаб деб ўйлайман.

Ўртоқлар, биз вужудга келган вазиятни чуқур ва охиригача англаб олишимиз ҳамда ғоят жиддий хулосалар чиқаришимиз керак. Мамлакатнинг тарихий тақдири, ҳозирги дунёда социализмнинг позициялари биз бундан буён нима қандай олиб боришимизга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Биз фан-техника революцияси ютуқларидан кенг кўламда фойдаланиб, социалистик хўжалик юритиш формаларини ҳозирги шароитлар ва талаб-эҳтиёжларга мувофиқ лаштириб, социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштиришга эришишимиз лозим. Бошқа йўлнинг ўзи йўқ.

Бугунги кунда социализм ва коммунизм ишининг муваффақияти, тарихнинг ҳозирги ниҳоятда муҳим бир даврида партияга, унинг Марказий Комитетига, барча партия ташкилотларига юкланаётган ғоят катта масъулият шу билан белгиланмоқда. Биз, коммунистлар эса, ана шу юксак масъулият даражасида, замон тақозо этаётган катта-катта вазифалар даражасида бўлиш учун ҳамма ишни қилишга мажбурмиз.

Ҳозир мамлакат иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қандай қилиб ва нималар ҳисобига эришса олади, деган масала асосий масала бўлиб турибди. Биз Сиёсий бюрода шу масалани кўриб чиқа туриб, бунинг учун реал имкониятлар мавжуд деган якдил хулосага келдик. Ўсиш суръатларини, ўсганда ҳам талай даражада ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифасини бемалол бажарса бўлади, бунинг учун фақат экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишимизнинг марказига қўйиш, бошқарув ва планлаштиришни, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, фаолият услубини тубдан яхшилаш зарур.

Пленум қатнашчилари бундай хулосани қўллаб-қувватлайдилар деб ўйлайман.

Ташкилий-иқтисодий ҳамда социал резервларни ишга туширган ва биринчи навбатда одамлар активлаштирилган тақдирда нисбатан тез самара олиш, ҳар бир кишн ўз ўрнидз виждонан ва тўла самара билан ишлайдиган бўлишига эришиш мумкин.

Бу соҳадаги имкониятлар қанчалик катта эканлиги тўғрисида ишчилар, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар ва олимлар билан яқинда КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда гапирилди. Шу кенгаш қатнашчилари уқтириб ўтганидек, зарур пайтда коллективлар ва уларнинг раҳбарлари интизомли бўлиб, яхшироқ ишлай бошлашлари ҳисобигагина қисқа муддат ичида меҳнат унумдорлигини шу қадар оширишга эришиладики, уларни баъзида бутун бир беш йилликнинг план топшириқлари билан таққосласа бўлади.

Бундай резервлар эса ҳар бир корхона ва қурилишда, ҳар бир колхоз ва совхозда бор. Бу резервларни ҳеч ким меҳнат коллективларининг, улардаги партия ташкилотларн ва хўжалик раҳбарларининг ўзларидан кўра яхшироқ билмайди. Бинобарин, кўп нарса уларнинг ишга бўлган муносабатига, активлигига, ишлаб чиқаришни ўстириш, унинг самарадорлигини ошириш учун барча имкониятлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилишидан кишиларни манфаатдор эта олиш маҳоратига боғлиқдир.

Хом ашё, ёнилғини, комплектловчи буюмларни ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш, вагонлар билан таъминлаш ва бошқалар масъулият ҳамда тартиб-интизом тўғрисидаги масаланинг муҳим томонидир. Бунда ҳам жавоб берадиган ва талаб қилинадиган кишилар бор. Халқ хўжалигида шартнома интизомини мустаҳкамлашда муайян силжиш содир бўла бошлади. Уни мустаҳкамлаш, объектив шарт-шароитларни асло рўкач қилмасдан шартномадаги мажбуриятлар бажарилиши учун талабчанликни муттасил ошира бориш керак.

Исрофгарчилик ва нобудгарчиликларга қарши кураш — қатъиян киришиш лозим бўлган яна бир резервдир. Кўпгина минитеплинклар ва корхоналарнинг раҳбарлари давлатдан кўпроқ капитал маблағ, станок ва машиналар, ҳом ашё ва ёнилғи «ундириб» олишга ҳаракат қиладилар. Айни вақтда улардан оқилона фойдаланишга кўпинча масъулиятсизларча қарамоқдалар. Мавжуд машина-ускуналар баъзида ишламайди, ёки улардан тўла қувват билан фойдаланилмайди.

Капитал қурилишда нималар содир бўлмоқда? Кўпгина объектлар ҳаддан ташқари узоқ қурилмоқда. Натижада талайгина моддий бойликлар ҳаракатсиз қолиб кетмоқда. Қувватларни ошириш кечиктирилмоқда, мамлакат керакли маҳсулотни ўз вақтида олмаяпти.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга туширишнинг планини қониқарсиз бажарилмоқда. Корхоналар ва янги қурилишларнинг омборларида ўрнатилмаган кўпгина машина-ускуналар йиғилиб қолди. Цемент, кўмир, минерал ўғит ва ёғоч-тахтани, қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш, сақлаш ҳамда сарфлашдаги пала-партишлик сабабли моддий бойликлар кўп нобуд бўлмоқда.

Бундай исрофгарчиликка зудлик билан чек қўйиш керак. Даъватлар билангина иш битмайдиган кўринади— бундай даъват ва шошилишлар етиб ортади. Барча моддий бойликларнинг сақланиши ва улардан тўғри фойдаланилиши учун конкрет шахсларга, шу жумладан қонун чиқарувчиларга нисбатан ҳам талабчанликни кучайтириш зарур. Ҳар бир корхона ва қурилишда, ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир ташкилотда тегишли тартиб ўрнатиш керак. Шундай қилинмаса ҳеч қандай оқилона хўжалик юритиш, экономика самарадорлигини ўстириш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Партия фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш вазифасини халқ хўжалигини интенсивлашнинг, тўпланган потенциалдан яхшироқ фойдаланишнинг бош стратегик воситаси сифатида биринчи ўринга қўймоқда. Июнь ойида КПСС Марказий Комитетида ўтказиш мўлжалланаётган махсус кенгашда шу масала муҳокама қилинади. Бугун баъзи принципиал фикр-мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Кўпчилик тармоқларда фан-техника тараққиёти жуда суст, эволюцион тарзда— кўпроқ амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва ускуналарни қисман янгилаш йўли билан давом этмоқда. Бу тадбирлар муайян самара бермоқда, албатта, лекин бу самара ҳаддан ташқари кам. Революцион силжишлар — принципиал янги технология системаларига, энг юқори самара берадиган энг янги машина— ускуналарга ўтиш лозим. Гап аслида фан ва техниканинг замонавий ютуқлари асосида халқ хўжалигининг барча тармоқларини қайта қуроллантириш тўғрисида бормоқда.

Масала яна шунинг учун ҳам ўткирки, кейинги даврда мамлакатнинг ишлаб чиқариш аппарати жуда эскириб, асосий фондларни янгилаш коэффициенти пасайиб кетди. Ўн иккинчи беш йилликда машина —ускуналарни алмаштириш коэффициентини анча ошириш биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолиши керак.

Бунда машинасозлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уни устун даражада ривожлантириш ва ўн иккинчи беш йилликдаёқ тармоқни ўстириш суръатларини бир ярим— икки барвар жадаллаштириш зарур. Илғор технологияни жорий этишни таъминлашга, меҳнат унумдорлиги кўп даражада оширишга, материал сарфини камайтиришга, фонд самарадорлигини оширишга қодир бўлган машина ва ускуналарнинг янги туркумларини ишлаб чиқаришга тезлик билан ўтиш— бош вазифадир. Фан-техника тараққиётининг омиллари сифатида станоксозликни такомиллаштиришга, ҳисоблаш техникасини, приборсозлик, электротехника ва электроникани жадал ривожлантиришга биринчи даражали эътибор берилиши лозим.

Мана шу вазифалар асосида инженерлик меҳнатининг обрў эътибори пасайганлигини нормал бир ҳол деб бўлмайди. Бунда ҳамма иш ҳам жойида эмас, шунинг учун ҳам биз мастерлар, инженерлар, конструкторлар, технологларнинг роли ва обрўсини кўтаришимиз, улар меҳнатининг моддий ва маънавий рағбатлантирилишини оширишимиз керак.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш маҳсулот сифатини қатъий яхшилашдан ажралмасдир. Маҳсулотнинг ҳозирги замон техникавий-иқтисодий, эстетик талабларга, барча истеъмол талабларига мос келмаслиги, баъзида эса очиқ-ойдин браклиги ҳам аслини олганда моддий ресурсларнинг ўғирланиши, халқимиз меҳнатининг талон-торож қилиниши демакдир. Шу боисдан ҳам маҳсулот сифатини бутун чоралар билан ошириш иқтисодий сиёсатнинг марказида бўлиши керак. Сифат ва яна бир карра сифат— бизнинг бугунги шиоримиздир. Сифат проблемасини ҳал этиб, миқдор проблемасини ҳам ҳал қилиш мумкин. Бу мамлакатнинг замонавий техникага бўлган талаб-эҳтиёжларини, аҳолининг хилма-хил моллларга ортиб бораётган талабини тўлиқроқ қондиришнинг, халқ хўжалигида тақчилликларни бартараф этишнинг бирдан-бир ишончли йўлидир.

Баъзи қандай масалани кўриб чиқмайлик, экономикага қайси томондан ёндашмайлик, пировард натижада ҳамма нарса бошқарувни, умуман хўжалик механизмини жиддий равишда яхшилаш зарурлигига боради тақалмоқда. Ишчилар ва хўжалик раҳбарлари билан яқинда КПСС Марказий Комитетида ўтказилган учрашув вақтида, шунингдек ЗИЛда бўлган чоғда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилинди. Учрашувларнинг қатнашчилари етилган масалалар тўғрисида, бошқарув системаси мукаммал эмаслиги, майда-чуйда ишлар регламентга солиб қўйилганлиги ва ҳаддан ташқари қоғозбозлик сабабли иш шароитлари нақадар мураккаблаштирилганлиги ҳақида ғоят ташвишланиб гапирдилар. Аҳволдан қутулишнинг йўли битта: бошқарув проблемаларининг бутун комплекси юзасидан дарҳол ва зўр ғайрат билан чора-тадбирлар кўриш керак.

Ҳозир хўжалик механизмини қайта қуриш концепцияси бизга равшанроқ бўлиб қолди. Стратегик вазифаларни ҳал этишдаги марказлаштирилган асосни бундан буён ҳам ривожлантира бориб, корхоналарнинг ҳуқуқларини, уларнинг мустақиллигини кенгайтириш йўлидан дадил олға ҳаракат қилиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва шу асосда меҳнат коллективларининг масъулиятини ҳамда пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини ошириш лозим.

Бу соҳада ўтказилаётган кенг миқёсли эксперимент якунлари чакки эмасдек кўринади. Аммо бу якунлар тўла-тўкис қаноатлантира олмайди. Шундай маррага эришилдики, эндиликда экспериментдан хўжалик юритиш ва бошқаришнинг яхлит системасини яратишга ўтиш керак. Бу эса хўжалик бошқарувининг юқори поғоналарида ҳам ишни амалда қайта қуришга киришиш, уларни аввало истиқболдаги социал-иқтисодий ва илмий-техникавий вазифаларни ҳал этишга, илм-фанни ишлаб чиқариш билан боғлашнинг энг таъсирчан формаларини қидириб топишга йўналтириш лозим, деган маънони билдиради.

Ҳаёт бошқарув ўзаги бўлмиш планлаштиришга нисбатан тобора юксак талаблар қўймоқда. Планлаштириш ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг, илғор хўжалик ечимларини амалга оширишнинг актив воситаси бўлиб қолиши, экономикани мутаносиб равишда ва жўшқин ўстиришни таъминлаши керак. Шу билан бирга бирлашмалар ва корхоналарнинг планларини кўрсаткичларнинг кўплигидан енгиллаштириш, ташаббускорлик ва омилкорликка имконият очадиган иқтисодий нормативларни кенгроқ қўлланиш лозим.

Бошқарувнинг ташкилий структураларини такомиллаштиришга киришиш, ортиқча бўғинларни тугатиш, аппаратни ихчамлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш пайти келди. Баъзи бошқарув бўғинлари тўғанноққа айланиб, ҳаракатни тўхтатиб қўя бошлаганлиги учун ҳам шундай қилиш муҳимдир. Ёзма йўл-йўриқлар, қоида-низомлар, методикаларни кескин чеклаш керак, уларда бағзан партия ва ҳукумат қарорлари ўзбошимчалик билан талқин этилиб, корхоналарнинг мустақиллиги бўғиб қўйилади.

Хўжалик ҳисоби принципларини барча бошланғич меҳнат ячейкаларига, ҳар бир иш жойига етказиш катта аҳамиятга эга. Бу — юқоридан бошқарув системасини такомиллаштириш тадбирларини қуйидан меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг коллектив формаларини ривожлантириш билан қўшиб олиб бориш,

(Давоми 2- ва 3-бетларда).

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

меҳнаткашларнинг активлигини ошириш имконини беради.

Хўжалик ва социал-маданий қурилишни бошқаришда, меҳнаткашларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиришда республика органлари билан маҳаллий органларнинг масъулиятини ошириш ҳам муҳимдир. Аммо бунинг учун, ўз-ўзидан равшанки, маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини бундан буён ҳам кенгайтириб бориш, уларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги, ресурслардан фойдаланишдаги, аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларини йўлга қўйишдаги ташаббускорлигини ва шулардан манфаатдорлигини кучайтириш зарур. Бинобарин, ўзларига тааллуқли барча масалаларнинг ҳал этилиши учун жойларнинг ўзида тўла-тўкис жавоб беришлари, тайёрхўрлик кайфиятларидан тезроқ халос бўлишлари лозим.

Ўртоқлар! КПСС халқнинг фаровонлигини муттасил, қадамба-қадам ошириб боришни, совет кишилари турмушининг барча томонларини яхшилашни, шахснинг уйғун камол топиши учун қулай шароитлар яратишни мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг олий маъноси деб билади. Бунда моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлаш, экономикани ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишга социал омиллар таъсирини кучайтириш йўлини изчиллик билан ўтказиш зарур.

Бу йўлни совет кишилари тўла-тўкис маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар. Энди гап тақсимот механизмини бараварлаштиришдан, меҳнат қилмай топилган даромадлардан, жамиятимизнинг иқтисодий нормалари ва маънавий идеалларига хилоф бўлган барча иллатлардан тозалаш борасидаги конкрет, таъсирчан чораларни ишлаб чиқишда, ҳар бир ходим ва ҳар бир коллективнинг моддий аҳволи улар меҳнатининг натижаларига бевосита боғлиқ бўлишини таъминлашда қолди. Партия социалистик турмуш тарзига, коммунистик ахлоқимизга ёт бўлган барча салбий ҳолатларга қарши бундан буён ҳам ғоят қатъий кураш олиб бораверади.

Ҳозирги вақтда социал программа пухта ишлаб чиқилмоқда. Партия ўзининг XXVII съездини шу программа билан кутиб олади. Аммо кечиктириб бўлмайдиган, алоҳида эътибор беришни талаб қилаётган вазифалар бор.

Бу аввало Озиқ-овқат программасини амалга оширишга тааллуқлидир. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар содир бўлди, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Аммо биз эришишимиз керак бўлган маррадан ҳали олисдамиз. Колхоз ва совхозлар, қайта ишлаш корхоналари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш имкониятларига эга. Шу имкониятларни омилкорлик билан тасарруф этиш, мавжуд потенциалдан самарали фойдаланиш лозим.

Баъзида маҳаллий органларнинг озиқ-овқат ва айниқса ем-хашак билан таъминлаш соҳасидаги барча юмушларни марказ зиммасига юклаш йўлидаги уринишларига дуч келинмоқда. Бундай практика номақбулдир. Вазифа колхоз ва совхозларда ҳам, шунингдек гражданлар ва корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришнинг барча резервларини тўлиқроқ ишга солишдан иборат.

Умуман, ўртоқлар, биз Озиқ-овқат программасини бажариш соҳасидаги ишни кучайтиришимиз, уни агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, шу тармоқларнинг корхоналарини колхоз ва совхозларга яқинлаштириш борасидаги муҳим тадбирлар билан тўлдиришимиз керак. Сиёсий бюро СССР Госпланига ва тегишли министрликларга шундай топшириқлар берди, улар шу топшириқларни бажаришга ғоят масъулият билан пухта ёндашишлари керак.

Агросаноат комплексини бошқариш ҳам тобора такомиллаштирилиши лозим. Бу соҳада ҳали ҳамма иш қилинган деб бўлмайди. Район ва область бирлашмалари маҳкамачилик манфаатлари таъсири остида кўпинча қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ тармоқларни комплекс ривожлантириш масалаларини тегишли даражада баҳамжиҳат ҳал қила олмайдилар. Ернинг хўжайини ягона бўлишига ва Озиқ-овқат программасининг бажарилиши учун бутун жавобгарлик агросаноат бирлашмалари зиммасида эканлигига бизнинг ишончимиз комил бўлса (бунга ҳеч ким шубҳаланмаса керак деб ўйлайман), у ҳолда барча босқичларда яхлит, бир бутун комплекс сифатида агросаноат комплексини бошқариш, планлаштириш ва пул билан таъминлаш имконини берадиган тадбирларни амалга ошириш керак. Сиз билан биз бу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида келишиб олган эдик.

Саноат моллари ва маиший хизматга бўлган талаб-эҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун ҳам кўп иш қилиш, товар оборотини керакли маҳсулот билан тўлдириш, бозорда мўл-кўлчиликни таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган моллар сифатини яхшилаш ва уларнинг хилини кўпайтириш, нарх-наво системасини янада тадбиркорлик билан ташкил этиш, савдо маданиятини ошириш лозим бўлади. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳасини ривожлантириш комплекс программаси мана шу вазифаларни ҳал этишга бўйсундирилган. Бу программа юқори сифатли кийим-кечак ва пойабзал, замонавий, маданий-маиший ва рўзғорбоп моллар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилишини, хилма-хил маиший хизмат турлари ривожлантирилишини кўзда тутади.

Яқин вақт ичида бу программа тасдиқланади. Шу билан бирга, унинг бир қанча йўналишлари юзасидан Марказий Комитет билан СССР Министрлар Советининг қарорлари ҳозирдаёқ қабул қилинганлигини биласизлар. Гап пойабзал ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳаллий саноатни, уй-жой биноларини ремонт қилиш ва қуриш борасидаги хизматларни ривожлантириш, аҳолига телефон алоқаси хизматини яхшилаш тўғрисида бормоқда. Совет кишилари жуда яқин вақт ичидаёқ яхшилик сари ўзгаришларни сезишлари муҳимдир.

Тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёж структурасида рўй бераётган силжишларни биз ҳисобга олмаслигимиз мумкин эмас. Меҳнаткашлар ўз даромадларидан уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилашда, дам олиш, саёҳат қилиш ва бошқа мақсадларда кўпроқ фойдаланишни истайдилар. Бундай талаб ва эҳтиёжлар тўлароқ қондирилиши лозим. Бунинг давлатга ҳам нафи бор. Аммо бу соҳадаги имкониятлар суст рўёбга чиқарилмоқда. Лоақал боғдорчилик-полизчилик ширкатларини ривожлантириш каби конкрет масалани олиб кўрайлик. Бу иш жуда фойдали бўлиб, унга кенг кўламда қизиқиб қаралмоқда. Бироқ бу ширкатлар ҳозирча тегишли даражада ривожлангани йўқ. Боғ участкаларига ва уйларига, бинокорлик материаллари ва асбоб-анжомларга бўлган талаб-эҳтиёж асло тўлиқ таъминланаётгани йўқ. Сиёсий бюро шу масалани жуда муфассал муҳокама этиб, одамларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар кўпроқ қондириш, асоссиз тўсиқларни олиб ташлаш мақсадида тегишли чоралар кўришни топширди.

Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи каби соҳалар жамият ва ҳар бир киши ҳаётида, бинобарин эса партиянинг социал сиёсатида ҳам тобора катта аҳамият касб этиб бормоқда. Биз соғлиқни сақлаш ва халқ маорифини ривожлантиришда кўпгина ютуқларга эришдик, барча гражданларнинг мана шу ҳаётий муҳим неъматлардан баб-баравар баҳраманд бўлишларини таъминладик. Аммо бугунги кунда шу соҳаларда ҳам янги-янги вазифалар пайдо бўлмоқда.

Замонавий талаблар нуқтаи-назаридан қараганда соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базаси, медицина хизматининг сифати, аҳолини дори-дармон билан таъминлаш жиддий яхшиланишга муҳтождир. Яқинда Сиёсий бюрода бу соҳада жиддий чоралар кўриш зарурлиги тўғрисида гап борди. Ўн иккинчи беш йиллик планларида ана шу чораларни кўзда тутиш лозим.

Биз мактаб ислоҳотини бошладик, унинг мамлакат келажаги учун аҳамияти бениҳоя каттадир. Ҳозир ўртага қўйилган вазифаларга юзаки эмас, балки мазмунли ёндашиш ҳамда ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади.

Бошқа кўпгина масалалар ҳам борки, уларни батафсил ўйлаб кўриб, ҳал этиш йўлларини топиш керак. Меҳнат ветеранларининг ва айниқса аллақачон пенсияга чиққан ветеранларнинг моддий аҳволини, ёш оилаларнинг турмуш шароитларини, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш ана шу масалалар жумласидандир. Келгусида ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шинам уй билан таъминлаш мақсадида уй-жой проблемаси каби социал проблемани ҳал этишда бундан буён ҳам куч-ғайратни ошириш муҳим, албатта.

Инсонга, унинг меҳнати, моддий фаровонлиги ва дам олишига тааллуқли барча масалаларда биз ниҳоятда эътиборли бўлишимиз керак. Бу биз учун сиёсатнинг энг муҳим масаласидир.

Энди йиллик планни бажариш билан боғлиқ жорий ишлар тўғрисида гапирмоқчиман. Биз йиллик планни бажаришни унча яхши бошлаганимиз йўқ: биринчи кварталда саноат маҳсулотининг ўсиши атиги икки процентни ташкил этди. Нефть, металл, энергетика, транспорт соҳалари айниқса орқага тортди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари пасайди. Таннарх, фойда, бошқа кўрсаткичларда ҳам иш бундан яхши эмас. Апрель ойида аҳвол бирмунча тузатилмоқда, бироқ қолган саккиз ой мобайнида бой берилган нарсаларни етказиб олиш учун куч-ғайратни ошириш лозим. Тўғрисини айтсак, вазифа оддий эмас. Аммо масала шундай қилиб қўйилганки, 1985 йилги план бажарилиши ва бажарилганда ҳам ҳеч қандай тузатишсиз бажарилиши керак. Социалистик мусобақани, бутун ташкилотчилик ва сиёсий ишни мана шунга қаратиш лозим.

Қишлоқ меҳнаткашлари олдида масъулиятли вазифалар турибди. Шундай ишлаш керакки, мамлакат юксак натижалардан қувонсин.

Айни вақтда келгуси йилги ва умуман ўн иккинчи беш йиллик плани сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш лозим бўлади. Бунинг учун эса яқин вақт ичидаёқ контрол рақамлар ҳамда нормативларни министрликлар ва идораларга, бирлашмалар ва корхоналарга етказиш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу меҳнат коллективларининг резервларни сафарбар этиш тўғрисидаги таклифларини тўлиқроқ ҳисобга олиш ва энг муҳими эса келгуси йилнинг бошида янги, ўн иккинчи беш йилликка уюшқоқлик билан қадам қўйиш имконини беради. Ўн иккинчи беш йиллик зўр ғайрат билан бошланиши лозим.

Ўртоқлар! Ҳозирги босқичдаги ҳаётимизнинг барча томонларига дахлдор бўлган мураккаб ва кенг миқёсли вазифаларни халқнинг жонли ижодкорлигига, унинг ақл-идроки, истеъдоди ва меҳнатига таянибгина ҳал этиш мумкин. Биз ана шу вазифаларни бажаришга миллионлаб меҳнаткашларни отлантиришимиз, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг ташаббускорлиги ҳамда ғайрат-шижоатини муттасил ривожлантиришимиз, социалистик жамият эга бўлган битмас-туганмас имкониятларни ишга солишимиз, барча фойдали ташаббусларни актив қўллаб-қувватлашимиз керак.

Ленин партияси, коммунистлар партияси ҳамиша халққа раҳнамолик қилиб келмоқда. Бугунги кунда у мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун умумхалқ ҳаракатига бошчилик қилиши лозим. Бунинг учун ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунист энг яқин ва келгусидаги мақсадларга эришиш йўлидаги курашга киришиши талаб этилади.

Съездга тайёргарлик, бўлажак ҳисобот ва сайловлар коммунистларнинг активлиги ва масъулиятини юксалтиришга, партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини кучайтиришга, уларнинг омма билан алоқаларини мустаҳкамлашга ва пировард натижада партиянинг раҳбарлик ролини оширишга бутун чоралар билан кўмаклашиши лозим.

Ҳисобот-сайлов кампанияси партиянинг асосий потенциали бўлмиш бошланғич ташкилотлардан бошланади. Бу ерда партия сиёсати реал ишларда мужассамлашади. Бу ерда бизнинг муваффақиятларимиз ва камчиликларимиз, имкониятларимиз ва резервларимиз айниқса яққол кўзга ташланади.

Шу боисдан ҳам коммунистларнинг йиғилишларида бажарилган ишларнинг якунлари ленинчасига, сохта идеаллаштирилмай, қуруқ сафсатабозликсиз чиқарилиши, ижобий тажриба жуда оз-оздан бўлса ҳам тўпланиши, камчиликлар дадил очиб ташланиши, ишлаб чиқаришни ўстириш, экономика самарадорлигини ошириш, ишларни яхшилаш имкониятлари ва конкрет йўллари аниқланиши муҳимдир.

Бошланғич ташкилотларнинг йиғилишлари ишчанлик руҳида, танқид ва ўз-ўзини танқид, большевикларга хос ошкоралик вазиятида ўтиши тўғрисида, коллективлар ҳаётидаги етилган масалалар, ишга тўғаноқ бўлаётган ҳамма нарсаларни бартараф қилиш йўллари муҳокама этилиши ҳақида мумкин қадар кўпроқ ғамхўрлик қилиш партия комитетларининг бурчидир. Шундай қилиш зарурки, ҳар бир партия аъзоси таклифлар киритиш ва фикр-мулоҳазаларни билдиришдан иборат ўзининг Уставдаги ҳуқуқидан тўла даражада фойдалана оладиган бўлсин, биронта ҳам танқидий фикр-мулоҳаза четлаб ўтилмасин.

Бугунги кунда тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш ҳақидаги масала айниқса актуалдир. Бу — шу куннинг қатъий талаби бўлиб, уни совет кишилари ишлаб чиқаришда ва хизмат кўрсатиш соҳасида, ижтимоий ҳаёт ва турмушда, ҳар бир меҳнат ячейкасида, ҳар бир шаҳарда, ҳар бир қишлоқда тартиб бўлишини ҳам қўшиб, кенг маънода тушунадилар. Бинобарин, биз мамлакатда ана шундай тартиб мустаҳкамланиши учун бутун кучимизни сарфлаймиз.

Тартибни мустаҳкамлашга қаратилган чораларни халқ қандай якдиллик билан маъқуллаётганлигини, бу чоралар қандай салмоқли натижалар бераётганлигини амалда кўриб ишонч ҳосил қилдик. Очиғини айтиш керак: сўнгги вақтда бу энг муҳим масалага эътибор сусайиб қолди. Бу ўринда аввало интизом учун шахсан жавобгар бўлган коллектив раҳбарларидан қаттиқ талаб қилмоқ керак. Кўпинча шундай ҳолларга ҳам дуч келинадики, корхоналарнинг раҳбарлари қўл остидагилар ўз навбатида уларнинг камчиликларини кечирадилар, деган умидда ходимларининг интизомсизлигини кечириб келмоқдалар. Бу хилдаги бир-бирини кечириш психологиясига биз тоқат қила олмаймиз.

Интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун яна бир зарур шарт бор. Ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши, ўзининг бевосита бурчларини виждонан бажариши лозим. Партия ходими хўжалик ходимининг ўрнига ишлар экан, инженер курьернинг ишини қилар экан, олим сабзавот базасида ишлар экан, тўқувчи фермада меҳнат қилар экан, фаолиятнинг бирон соҳасида ҳам жиддий натижага эришиш мумкин эмас. Афсуски, ҳозирги кунда кўпинча шундай бўлмоқда. Равшанки, бундай аҳвол бирданига вужудга келган эмас, айрим жойларда бунга маълум қийинчиликлар сабаб бўлган, шунинг учун ҳам уни бир кунда тўғрилаб бўлмайди. Тўғрилаш эса керак. Шундагина биз масъулиятсизлик ва бўшангликдан чинакамига қутила оламиз.

Район, шаҳар, область, ўлкаларнинг бўлажак партия конференцияларига, иттифоқдош республикалар Компартиялари съездлари қандай ўтишига, уларнинг ишчанлиги ва талабчанлигига янада юксакроқ талаблар қўйиш лозим. Баъзан учраб турганидек, бу конференция ва съездларда мақтовлар ва лаганбардорлик, ишнинг моҳиятини умумий гаплар билан яширишга уриниш, камчиликлар учун ҳамма айбни объектив вазият ёки маҳкамачилик чалкашликларига тўнкаш ҳоллари бўлмаслиги лозим.

Раҳбар кадрлар, Марказий Комитет аъзолари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари фақат партия конференцияларидагина эмас, шу билан бирга бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида ҳам бевосита иштирок этадилар, коммунистларнинг съездолди коллектив кенгаши энг юқори конструктив ва танқидий савияда ўтиши учун ҳамма ишларни қиладилар, деб ишонамиз.

Съездолди йиғилишларимизнинг, партия XXVII съездига бутун тайёргарлигимизнинг асосий моҳиятига айлантиришимиз лозим бўлган шу даврнинг бош шиори — ижодий меҳнат, сўз ва иш бирлиги, ташаббус ва масъулият, ўзига ва ўртоқларига нисбатан талабчанликдир. Бу ишда коммунистлар намуна бўлишлари лозим. Ижтимоий бурчга муносабат учун, партия қарорларини бажариш учун, партия аъзосининг соф ва мусаффо қиёфаси учун ҳар бир партия аъзосига қўйиладиган талабларни кучайтирмоқ керак. Коммунистга унинг хатти-ҳаракатлари ва ишларига қараб баҳо берилади. Бошқача мезон йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳисобот ва сайловлар давомида раҳбар партия органларини шакллантириш, уларни янги кучлар билан тўлдириш, етилган кадрлар масаласини ҳал этишга тўғри келади. Партия қандай етук кадрларга эга эканлигини партия комитетларининг яқинда бўлиб ўтган пленумлари ишончли тарзда кўрсатди. Шу билан бирга бу пленумлар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига қатъий риоя қилиш зарурлигини яна бир карра тасдиқлади. Қаерда бу принциплар бузилаётган бўлса, ходимлар шахсий садоқатига, ёқиш-ёқмасликларига, ошна-оғайнигарчиликка қараб тайинланаётган бўлса ўша ерда танқид ва ўз-ўзини танқид сўзсиз равишда сўниб боради, омма билан алоқалар сусайиб кетади ва оқибатда иш барбод бўлади.

Сиёсий бюро партия раҳбарлиги барқарорлигини таъминлаш йўлини, тажрибали ва ёш ходимлардан тўғри фойдаланиш йўлини ғоят муҳим деб ҳисоблаб, шу йўлни бундан буён ҳам ўтказаверади. Лекин бу иш кадрларни кўтаришда бирон турғунлик билан қўшиб олиб борилмаслиги лозим. Коммунистлар Марказий Комитетга ёзган хатларида диққат-эътиборни баъзи раҳбарлар узоқ вақтдан буён бир лавозимда ишлаб келиб, кўпинча янгиликни кўра олмайдиган, камчиликларни сезмайдиган бўлиб қолаётганликларига қаратмоқдалар. Бу ҳақда ўйлаб кўриш, раҳбар кадрларимизнинг активлигини ғоят ошириш йўлларини қидириш керак. Масъул лавозимларга хотин-қизларни ва ёш истиқболли ходимларни дадилроқ кўтариш зарур.

Партия комитетларининг бўлиб ўтган пленумлари яна бир муҳим хулоса чиқариш зарурлигини кўрсатиб турибди: биронта партия ташкилоти, бирон ходим ҳам контролдан четда қолмаслиги керак. Сўнгги икки йил ичида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Секретариати мажлисларида кўпгина иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари у ёки бу масалалар юзасидан ҳисоб бердилар. Бир қанча бошланғич партия ташкилотлари, район, шаҳар партия комитетлари, кўпгина министрликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Равшанки, бундай иш кейин ҳам давом эттирилади, республикаларда, ўлкаларда ва областларда бундай иш актив ривожлантирилади Бу бизнинг ички партия турмушимиз нормаларига мос бўлиб тушади.

Гап контрол тўғрисида бораётган экан, қуйидаги мулоҳазани ҳам айтиб ўтмоқчиман. Текшириш лозим, контрол қилиб бориш зарур, ҳар бир текшириш амалий ёрдам келтириши даркор, иш манфаатларига хизмат қилиши лозим. Лекин бир масала юзасидан, баъзан арзимаган масала юзасидан қайта-қайта текшириш ўтказишлар, расмиятчилик мулоҳазалари билан кўпдан-кўп комиссиялар тузиш, кишиларни ишдан қолдириб, асабий вазиятни вужудга келтиришни оқлаб бўладими.

Ҳисобот йиғилишлари, конференциялар ва съездлар сайлаб қўйиладиган партия органлари фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш, уларнинг иши мазмуни ва методларини батафсил ўрганиш имконини беради. Бунда энг аввало улар кишиларнинг ҳаёти ва меҳнатига оид туб масалаларни, ишлаб чиқариш коллективларига оид масалаларни, экономика ва маданиятни ривожлантиришни қандай ҳал қилаётганликларига, омма орасида ташкилотчилик ишларини қандай олиб бораётганликларини анализ қилишга эътибор бермоқ керак. Қуйи партия ташкилотларига кундалик ва амалий ёрдам кўрсатиш, ишчанлик ва оперативликни ошириш, қоғозбозликни камайтириб, ишнинг кабинет услубини, кўпдан кўп мажлислар ва йиғилишлар ўтказишга интилишни тугатиш йўлини қатъият билан давом эттирмоқ керак.

Тўғрисини айтиш керак: бундай ҳодисаларга қарши курашда ҳали ҳамма иш қилингани йўқ. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Яқинда КПСС Марказий Комитети агросаноат комплексини ривожлантириш масалалари бўйича Калинин ва Целиноград областлари партия комитетларининг ҳисоботини эшитди. Хўжаликка партиявий раҳбарликда, кадрлар билан ишлаш ва тарбиявий ишдаги, область комитетлари бюролари ва секретарларининг фаолиятидаги катта камчиликлар очиб ташланди. Бу ерда камчиликларни келтириб чиқарган асосий нарсалар қилинган ишларга танқидий кўз билан қарамаслик, эришилган натижаларни кўпайтириб кўрсатишга мойиллик, салбий ҳодисаларни сезиш истагининг йўқлигидир. Тегишли чоралар кўришга тўғри келди.

Раҳбарликка эскича ёндашиш, ўз ишларига танқидий кўз билан қарамаслик баъзи министрликлар ва идоралар раҳбарларининг ишида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу — ишга халақит бермоқда. Ишни қатъий равишда яхшилаш, уни жамият тараққиёти ҳозирги босқичи талабларига мувофиқлаштириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда.

Ҳозирги вақтда оддий ижрочиликнинг ўзи етарли эмас, баъзан бундай ижрочилик ҳам етишмаяпти. Билимдонлик, янгиликни сеза билиш, ташаббускорлик, дадиллик ва масъулиятни зиммасига олишга тайёр туриш; вазифани қўя билиш ва уни охиригача ҳал эта олиш; хўжаликни бошқаришнинг сиёсий моҳиятини назардан қочирмаслик қобилияти каби ишчанлик фазилатларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Яна шуни ҳам айтишни истар эдимки, ишлашни ўрганиш истагининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Советларга, касаба союзларига, комсомолга ва сиёсий системамизнинг бошқа бўғинларига, совет демократиясини ривожлантириш борасидаги ҳамма ишларга партия раҳбарлигини янада кучайтириш ҳисобот-сайлов кампаниясининг муҳим вазифасидир.

Социалистик демократияни мавҳум тушунмаслик керак, деган ленинча фикрни ҳамиша ёдда тутмоқ лозим. Социалистик демократия экономикани ривожлантиришнинг, кишиларнинг активлигини оширишнинг, оммани коммунистик руҳда тарбиялашнинг қуроли бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Партия совет тузумининг демократизмини чуқурлаштирар экан, худди шу маънода иш олиб борди ва бундан кейин ҳам худди шу йўлда иш олиб бораверади.

Партия XXVII съездига тайёргарлик, съезд ҳужжатлари лойиҳаларининг меҳнаткашлар томонидан муҳокама қилиниши совет кишиларининг активлигини муқаррар ошириб юборади. Партия комитетлари ошкоралик қандай қилиб таъминланиши, омма билан алоқанинг ҳамма воситалари қандай ишлаётганлиги, жамоатчилик фикрига, танқидий мулоҳазаларга, гражданларнинг аризалари ва хатларига қандай эътибор берилаётганлиги тўғрисида яхши ғамхўрлик қилишларига тўғри келади. КПСС Марказий Комитети буларни ишда катта ёрдам, совет кишиларининг ўз давлати ишларидан манфаатдорлигининг кўзга яққол ташланувчи ифодаси деб билади.

Партиянинг сиёсий-тарбиявий, идеология ишлари вазифалари Марказий Комитетда кўп марта муҳокама қилинди. Бу соҳага эътибор берилаётгани тушунарлидир, олға силжишлар ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин идеология иши ҳаёт билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши учун ҳали ҳамма иш қилинган эмас, деб ўйлайман. Бу ишда расмиятчилик ва насиҳатгўйлик халақит бермоқда. Кўпинча сафсатабозлик, кишилар билан ҳақиқат тилида гаплашишни билмаслик зарар етказмоқда. Баъзан шундай бўлмоқдаки, одамларнинг эшитганлари бошқа-ю, ҳаётда кўриб турганлари бошқача. Бу жуда жиддий масала бўлиб, фақат тарбиявий масалагина эмас, шу билан бирга сиёсий масала ҳамдир.

Ғоявий-сиёсий тарбиянинг ҳамма формалари ҳозирги кунимизнинг асосий вазифаси — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини тезлаштириш вазифаси билан мумкин қадар кўпроқ боғлиқ бўлмоғи лозим. Ички ҳаётнинг ҳамма шарт-шароитлари мажмуасини, халқаро аҳволнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олмай туриб, бунга эришиб бўлмайди. Ўтган йили декабрида бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси худди шу масалаларга бағишланганлигини биласиз. Бу конференция КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилди. Ҳозирги вақтда бировларга ғалати туюлса ҳам яна бир бор эслатиб ўтиш ўринли бўлур эди: пропагандада, умуман идеология фаолиятида ҳам гап камроқ, иш кўпроқ бўлиши керак.

Завод, район газеталаридан тортиб марказий газеталаргача оммавий ахборот воситаларининг иши тўғрисида алоҳида тўхталиш лозим. Матбуот, телевидение, радио оммани уюштириш ва тарбиялашнинг, жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Сўнгги вақтда уларнинг ишида ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Лекин ҳаёт кўпроқ талаб қўймоқда.

Ахборот воситалари воқеалар ва ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишлари, жиддий проблемаларни кўтариб чиқиб, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида таклиф киритишлари, мазмундорлиги, оперативлиги, ахборотга бойлиги билан кишиларни ишонтиришлари даркор. Кишиларга қаратилган оқилона партиявий сўз уларни ўйлатади, уларнинг ташаббускорлигини ривожлантиради, камчиликларга нисбатан муросасиз бўлишни тарбиялайди. Партия комитетлари матбуот, телевидение ва радиога актив ёрдам кўрсатиб, қўллаб-қувватласалар, уларнинг таъсирчанлиги анча ортади. Фақат ана шундай ёрдам ва қўллаб-қувватлаш ўз вақтида кўрсатилиши ва салмоқли бўлиши лозим. Шу билан бирга танқидни бўғиш ёки асосли танқидни тан олмаслик йўлидаги ҳар қандай уринишлар принципиал партиявий баҳо олиши лозим, албатта.

Жамият маънавий дунёсининг янги бойликлар билан бойиб боришида, совет кишисининг ғоявий ва маънавий камолотида адабиёт ва санъатнинг роли каттадир. Бадиий зиёлилар — ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, рассомлар, театр ва кино ходимлари катта обрў ва эътибор қозонганлар. Уларнинг жамият олдидаги улкан масъулияти ҳам худди шундан келиб чиқади. Совет адабиёти ва санъати яратган энг яхши асарлар ҳамиша партия ва халқнинг асосий ишлари ва ташвишларидан ажралмасдир. Ҳозирги вақтда ҳал этилаётган янги вазифалар ҳам социалистик ҳаёт ҳақиқатини қарор топтирувчи бадиий ижодда ўз муносиб ифодасини топишига шубҳа йўқ.

Ўртоқлар! Биз фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида турибмиз. Коммунистик партия, Совет ҳукумати Ғалаба совет халқи учун, гитлерчиларга қарши коалициянинг бошқа халқлари учун жуда қимматга тушганлигини эсда тутиб, инсоният бошига тушган фожиани яна ва яна ёдга олиб, бундай фожиаларнинг такрорланишига, айниқса ядро ҳалокатига йўл қўймасликни ўз ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мазмуни деб ҳисобламоқдалар.

Совет Иттифоқи, бизнинг партиямиз фашизмни енгган халқларнинг ўлмас жасорати хотирасини ҳамиша муқаддас деб билдилар ва бундан кейин ҳам шундай деб биладилар.

Совет Иттифоқи бизнинг ижтимоий тузумимиз, ахлоқимиз ва дунёқарашимиз белгилаб берадиган ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлига қатъий риоя қилишини яна ва яна айтмоқда. Биз баб-баравар мақбул, айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ нормаларини чинакамига ҳурмат қилишга асосланган ривожланган давлатлараро муносабатлар тарафдоримиз. Лекин бир нарса мутлақо равшан бўлмоғи керак: империализм икки ижтимоий система ўртасидаги тарихий бахсни ҳарбий воситалар ёрдамида ҳал этишга уринишдан воз кечган тақдирдагина халқаро муносабатларни нормал ҳамкорлик изига солиш мумкин бўлади.

Социалистик давлатларнинг қалин ҳамдўстлиги, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати, халқаро майдонда ҳаракатлар бирлиги инсониятнинг тинч келажаги учун курашда енгилмас кучдир. НАТО агрессив блоки давлатлари билан ҳарбий-стратегик тенгликка эришилганлиги қардош социализм мамлакатларининг тарихий жиҳатдан ғоят муҳим ютуғидир. Тинчлик манфаатлари йўлида ана шу тенгликни ҳар томонлама сақламоқ керак. У империализмнинг агрессив иштаҳасини ишончли тарзда тийиб турибди.

СССР Қуролли Кучлари Ватанимизни, унинг иттифоқчиларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун, ҳеч ким бизни ғафлатда қолдирмаслиги учун, зарур бўлган ҳамма нарсага эга бўлиши учун бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаймиз.

Ҳозирги вақтда агрессия сиёсати қаерга олиб бориши мумкинлигини тушуниб етмоқ учун инсоният жуда катта тинчлик потенциалига, ҳар томонлама тажрибага, етарли тарихий ва социал тафаккурга эгадир. Агрессия сиёсати қаерга олиб бориши мумкинлигини тушуниш тинчликсевар кучларни тобора маҳкамроқ жипслаштирмоқда, урушга қарши, ядро қуролига қарши ҳаракатни активлаштирмоқда, янги-янги прогрессив, демократик отрядларни уруш хавфига қарши курашга отлантирмоқда. Вашингтоннинг фақат ўз манфаатини кўзлайдиган милитаристик йўли кўп мамлакатларда катта танқид ва қаршиликка дуч келаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Коммунистик ва ишчи партиялар, касаба союзлар, бошқа оммавий жамоат ташкилотлари тинчлик учун кураш умумий ишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Уруш бўлишини хоҳлайдиган биронта ҳам халқ йўқ. Тинчлик ва тараққиёт сиёсатини амалга ошириш учун бу нарса жуда катта резерв ва имкониятдир. Халқаро муносабатларда милитаризм ва агрессия кучлари ўз сўзларини ўтказмасликлари учун ҳамма иш қилинмоғи керак.

Биз аминмизки, жаҳон урушининг олдини олиш мумкин. Лекин тажриба кўрсатиб турганидек, тинчликни сақлаб қолиш ва ялпи хавфсизликни таъминлаш учун кураш осон иш эмас, у янги ва янги куч-ғайрат сарфлашни талаб қилади. Империализмнинг айби билан халқаро вазият ташвишли ва хавфли бўлиб турибди. Инсоният икки йўлдан бирини — ёки кескинликни янада кучайтириш ва муҳолифликни давом эттириш, ёки ядро можаросини келтириб чиқаришга моддий тайёргарлик жараёнини тўхтатадиган ўзаро мақбул аҳдлашувга эришишнинг амалий йўлларини танлаб олиши керак.

Вужудга келган вазият учун энг аввало Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари жавобгардир. Бу ҳақда очиқ-ойдин айтмоқ керак. Улар қуролланиш пойгасини давом эттириш ташаббускори бўлиб чиқмоқдалар ва қуролсизланишдан воз кечмоқдалар, жаҳон ҳамжамияти буни яхши билади. Уларнинг ташаббуси билан оммавий қирғин қуролларининг тобора янги турлари яратилмоқда. Ҳозирги кунда қуролланиш пойгасини космосга ёйишга ҳам уринмоқдалар. Американинг ер юзи бўйлаб жойлаштирилган юзлаб ҳарбий базалари ҳам дунёда вазиятни беқарор қилмоқда.

АҚШ ҳамма ерда ва ҳамма жойда аралашиш «ҳуқуқини» очиқдан-очиқ даъво қилмоқда, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг манфаатларини, халқаро алоқалар анъаналарини, амалдаги шартномалар ва битимларни писанд қилмаётир, кўпинча тўғридан-тўғри уларни оёқости қилмоқда. АҚШ дунёнинг гоҳ у жойида, гоҳ бу жойида вазиятни кескинлаштириб, можаролар ва уруш хавфи ўчоқларини мунтазам вужудга келтирмоқда. Бугун эса АҚШ Гренадада бўлгани каби қаҳрамон Никарагуа халқини озодлик ва суверенитетдан маҳрум этишга уриниб, ундан ҳарбий йўл билан ўч олиш мақсадида таҳдид қилмоқда. Тараққиёт ва демократия кучлари билан, реакция тазйиқига қарамай, ўз озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган мамлакатлар ва халқлар билан бирдамлик биз учун принципиал масаладир. Бунда бизнинг йўлимиз ҳамиша бўлгани каби равшанлигича қолаверади.

Империализм сўнгги йилларда қўпорувчилик ишларини кучайтириб юборганлигини ва социалистик давлатларга қарши ҳаракатларини мувофиқлаштириб бораётганлигини кўриш учун алоҳида сиёсий ҳушёрлик шарт эмас. Бундай қўпорувчилик ишлари — ҳамма соҳаларга — сиёсий, иқтисодий, идеологик ва ҳарбий соҳаларга ёйилмоқда. Империализм ғоят кенг фронт бўйлаб: социалистик ҳамдўстликка нисбатан ҳам, мустамлакачилик зулмидан озод бўлган мамлакатларга қарши ҳам, миллий-озодлик ҳаракатлари ва капиталистик давлатлар меҳнаткашларига қарши ҳам социал реваншни амалга оширишга уринаётганлиги қардош партияларнинг ҳужжатларида кўп марта таъкидланди.

АҚШнинг иқтисодий босқинчилиги кенгаймоқда ва активлашмоқда. Учёт ставкалари билан найранг ишлатиш, халқаро корпорацияларнинг талончилик роли, савдода сиёсий чеклашлар, ҳар хил бойкотлар ва жазо чоралари халқаро иқтисодий муносабатларда кескинлик ва ишончсизлик вазиятини вужудга келтирмоқда. Жаҳон экономикаси ва савдосини издан чиқармоқда, унинг ҳуқуқий асосларини қўпормоқда. Озодликка эришаётган дунё мамлакатларини эксплуатация қилиш кучаймоқда, уларнинг иқтисодий жиҳатдан қарамликдан қутулиш жараёнларига ғов солинмоқда. АҚШ бошқа мамлакатларнинг тобора ўсиб бораётган молиявий ва моддий ресурсларини ўз қўлида тўплаб, уларни тўғридан-тўғри ёки билвосита ўзининг улкан ҳарбий программаларига хизмат қилдирмоқда.

Ана шундай шароитда халқаро иқтисодий муносабатларни нормаллаштириш, давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ғояси дунёда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда.

Халқаро аҳволнинг мураккаблиги, кескинликнинг кучайганлиги биздан ташқи сиёсат масалаларига бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият беришни талаб қилмоқда.

Қардош социализм мамлакатлари билан ҳамкорликни ҳар томонлама такомиллаштириш ва бойитиб бориш, ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий, идеология, мудофаа ва бошқа соҳаларда уларнинг мустаҳкам ҳамжиҳатлигини таъминлаш, буюк ҳамдўстлик барча қатнашувчиларининг миллий ва интернационал манфаатларини уйғунлаштириб қўшиб олиб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш тобора муҳим вазифага айланмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатларнинг ўтган йил июнь ойида бўлган олий даражадаги Иқтисодий кенгаши қарорларини амалга ошириш қардош мамлакатларнинг биргаликда олиб борадиган ишларининг кун тартибида турибди. Буни ҳозирги вақтда ҳамдўстликнинг умумий манфаатлари ҳам, ҳар бир давлат социал-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжлари ҳам, халқаро вазиятнинг хусусиятлари ҳам қатъий талаб қилмоқда.

Варшава Шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар партия ва давлат раҳбарлари билан март ойининг ўртасида бўлиб ўтган фикрлашувларимиз шуни ишонч билан таъкидлашга имкон беради: НАТО блоки ҳали мавжуд экан, Варшава Шартномаси ташкилоти бундан буён ҳам Европада ва дунёда социализм позицияларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнайди, ядро урушининг олдини олиш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг ишончли қуроли бўлиб хизмат қилаверади, деган якдил фикрдамиз.

Совет Иттифоқи бошқа социалистик мамлакатлар билан, жумладан Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро алоқаларни собитқадамлик ва қатъият билан

(Давоми учинчи бетда).

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ, УНГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР ТЎҒРИСИДА

(Бошн 1- ва 2-бетларда).

мустаҳкамлаб, ҳамкорликни ривожлантираверади. Бизнинг бу масаладаги позициямиз маълум, у ўз кучида қолади.

Биз Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш тарафдоримиз. КПСС, Совет давлати ҳамма халқларнинг ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз ўз социал-иқтисодий ҳозирги кунини ўзлари танлаган йўлларига мувофиқ равишда белгилаш ва келажакларини қуриш ҳуқуқини муттасил қўллаб-қувватламоқда. Халқларнинг бу суверен ҳуқуқларини рад этишга уриниш беҳуда, маҳкум этилган ишдир.

Биз капиталистик мамлакатлар билан нормал, тенг ҳуқуқли муносабатларни ривожлантиришнинг сўзсиз тарафдоримиз. Баҳсли проблемалар, можароли вазиятлар сиёсий восталар билан ҳал этилмоғи керак — бизнинг қатъий эътиқодимиз ана шундай.

Сиёсий бюро кескинликни юмшатиш жараёнининг давлатлараро ҳужжатлари, жумладан Хельсинки Якунловчи акти ўз аҳамиятини йўқотган эмас, деган фикрдан келиб чиқиб иш тутади. Бу ҳужжатлар тенглик ва баб-баравар хавфсизлик принципларига, дунёда вужудга келган реал воқеликка амал қилинадиган бўлса, бирор устунликка эришишга интилмай, балки ўзаро мақбул қарорлар ва аҳдлашувлар изланадиган бўлса, халқаро муносабатларни қай тарзда қуриш мумкинлигини кўрсатувчи намунадир. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг ўн йиллиги муносабати билан Якунловчи актга имзо чеккан давлатлар номидан Хельсинкида хавфли кескинликни бартараф этишга, халқаро ҳаётда тинч ҳамкорлик ва ижобий ташаббусларни ривожлантиришга бўлган ирода яна ифодаланса фойдали бўлур эди, деб ўйлаймиз.

Совет Иттифоқи ўзаро манфаатли принциплар асосига қурилган ва ҳар қандай камситишлардан ҳоли бўлган самарали ҳамда ҳар томонлама иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик қилиш тарафдоридир; савдо муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан, томонларнинг илмий-техникавий ва технологик янгиликларини биргаликда ўзлаштиришдан, корхоналарни лойиҳалаштириш ва қуришдан, хом ашё ресурсларини ишлаб чиқаришдан ўзаро манфаатдорликка асосланган иқтисодий алоқаларнинг янги формаларини янада ривожлантиришга тайёрдир.

Масалани ана шу тарзда қўйиб ташқи иқтисодий алоқаларимизнинг аҳволини диққат билан ўрганиш, истиқболни ҳисобга олган ҳолда чуқурроқ назар ташлаш зарур. Халқаро вазият кескинлигига қарамай, бу ерда қулай имкониятлар бор. Ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларга ва ташқи савдога кенг, йирикроқ кўламда, келажакни кўзлаб ёндашмоқ керак.

Биз Ғарбий Европа давлатлари билан, Япония ва бошқа капиталистик мамлакатлар билан ўзаро манфаатли кўп қиррали кенг ҳамкорлик тарафдоримиз.

Бизнинг Америка Қўшма Штатлари билан муносабатларни ҳар икки томоннинг манфаатларини кўзлаб ва бир-бирларининг қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига зарар етказмаган ҳолда яхшилашга тайёр эканлигимиз маълум. Иккала мамлакат бир-бирига қарамақаршн туриши азалдан муқаррар бўлиши мумкин эмас. Совет — Америка муносабатлари тарихида, ҳам узоқ, ҳам яқин тарих томонидан тўпланган ҳам ижобий, ҳам салбий тажрибани идрок этадиган бўлсак, энг оқилона иш — муносабатларни тўғрилашга олиб борадиган йўлни қидириш, ҳамкорлик кўпригини қуриш, лекин уни ҳар икки томондан қуришдир.

Аммо Женева музокараларининг ниҳоясига етган биринчи босқичи Вашингтон Совет Иттифоқи билан аҳдлашувга олиб бормайдиган йўлни тутяпти, деб айтишга асос бўлади. Бу ҳеч бўлмаса шундан кўриниб турибдики, Вашингтон қуролланиш пойгасини космик фазога ёймаслик масаласини ядро қуролини чеклаш ва қисқартириш тўғрисидаги масала билан биргаликда муҳокама қилишдан умуман бош тортмоқда. Шундай қилиб у январь ойида космосда қуролланиш пойгасининг олдини олиш тўғрисида, ядровий стратегик қуролларни камайтириш тўғрисида ва Европада ўртача олисликка учириладиган ядро қуролларини камайтириш тўғрисида — ҳар уч йўналишнинг ўзаро боғлиқ эканлиги тўғрисида эришилган аҳдномани бузмоқда.

Бундай позициянинг сабаби нима? — деган савол туғилади. Сабаби шундаки, АҚШнинг маълум доиралари ҳамон дунёда, энг аввало ҳарбий жиҳатдан устун даражага эришишни хоҳламоқдалар. Биз бундай ҳукмронлик қилиш режалари истиқболсиз эканлигига Америка томонининг эътиборини кўп марта қаратдик. Совет Иттифоқи, унинг дўстлари ва иттифоқчилари, қолаверса тинчлик ва тинч ҳамкорлик позициясига турган бошқа ҳамма давлатлар ҳам бирон давлат ёки давлатлар группасининг ҳукмронлик қилиш ва бошқа мамлакатлар ҳамда халқларга ўз иродасини тиқиштириш ҳуқуқини тан олмайдилар.

Совет Иттифоқи эса ҳеч қачон бундай мақсадни ўз олдига қўйган эмас ва қўймайди ҳам.

Биз АҚШнинг ҳозирги позициясига тузатиш киритиламиз, бу билан ўзаро мақбул аҳдлашувга эришиш учун имконият очилади, деб ишонч билдиришни истар эдик. Биз эса бунга ҳамиша тайёрмиз.

Бунга далил — СССРнинг бутун музокаралар даврида ҳар икки томоннинг космик қуроллар яратишни тақиқлаб қўйиш, стратегик ядро қуролларини кўпайтирмаслик ҳақидаги таклифидир. Совет Иттифоқи ана шу йўлдан бориб, Европада ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштиришни ва бошқа жавоб чораларини кучайтиришни бир томонлама тўхтатиб туришини эълон қилди. Бу қарор бутун дунёда музокараларнинг муваффақиятли боришига ёрдам берадиган муҳим ва ижобий қарор деб баҳоланди.

Бу ана шу тарздаги ягона қадам эмаслигини эслатиб ўтмоқчиман. Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисидаги бир томонлама мажбурияти 1982 йилдан буён амал қилмоқда. 1983 йилдан буён космосга биринчи бўлиб йўлдошларга қарши ишлатиладиган қуролни чиқармай туриш тўғрисидаги бир томонлама мажбуриятга амал қилиб келинмоқда, ана шу ташаббусларнинг биронтасига ҳам АҚШ ҳукумати холис ният билан ҳеч қандай жавоб қайтармади. Аксинча, СССРнинг уруш хавфини камайтиришга, аҳдлашувга эришишга қаратилган ҳаракатларини бузиб кўрсатиб, уларга нисбатан ишончсизлик туғдиришга уринмоқдалар. Хуллас, ижобий жавоб чоралари кўришдан бош тортиш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар.

Америка маъмурияти бизнинг таклифларимизга шошмасдан-шошарлик билан ўзининг одатдаги бир қолипдаги рад жавобини бераётгани ҳам ажаблантирмай қолмайди, бу эса АҚШнинг ишни оқилона натижалар сари олиб боришни хоҳламаётганлигидан яққол далолат беради. Бир нарсани айтиб ўтаман: иккиюзламачилик қилинмаган ва афкор оммани алдашни мақсад қилиб қўймаган тақдирда қуролланишт пойгаси билан қуролсизланиш ҳақидаги музокараларни бир вақтда олиб бориш мумкин эмаслиги равшан. Совет Иттифоқи бундай йўлни ўтказишга ёрдам бермайди ва буни ҳозирги вақтда жиддий сиёсат билан эмас, балки сиёсий ўйин билан шуғулланаётганлар билиб қўйишлари керак. Олдинги музокараларнинг ачинарли тажрибаси такрорланишини истамас эдик.

Совет Иттифоқи эса Женевада фақат қуролланиш пойгасига хотима бериш учунгина эмас, кескинликни юмшатиш ишини олға силжитиш учун ҳам ўзаро мақбул конкрет битимларга эришиш мақсадида қатъият билан ҳаракат қилаверади. Ҳозирги вақтда ер юзида тинчлик учун, эртанги кунимизнинг яхшироқ бўлиши учун сиёсий ирода ҳар қачонгидан ҳам зарурроқдир.

* * *

Бизнинг вазифаларимиз, ички ва ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат, ўртоқлар. Шубҳасиз улар ушбу Пленумда муфассал муҳокама қилинади, Пленум бутун партиямизнинг, унинг ҳар бир ташкилотининг съездолди фаолияти характерини белгилаб бериши керак.

Биз Пленум ишини шундай ўтказишимиз керакки, унга Ленининг қуйидаги сўзлари билан якун ясаш мумкин бўлсин:

«Ҳозир биз ўз вазифаларимизни кечагидан кўра аниқроқ, конкретроқ, равшанроқ биламиз; биз ўз хатоларимизни тузатиш учун уларни очиқ кўрсатишдан қўрқмаймиз. Биз энди партиянинг бутун кучини уни янада яхшироқ уюштиришга, партия ишининг сифат ва мазмунини кўтаришга, омма билан янада яқинроқ алоқа боғлашга, ишчилар синфининг янада тўғрироқ ва янада аниқроқ тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишга қаратамиз».

Партия, совет халқи бизлардан ҳар томонлама пухта ўйланган ва масъулиятли қарорларни кутмоқда, ишонч билан шуни ҳам айтиш мумкинки, коммунистлар, барча меҳнаткашлар бу қарорларни қўллаб-қувватлайдилар, ижтимоий манфаатдорлик билан, активлик ва меҳнат билан қўллаб-қувватлайдилар.

(Доклад зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПССнинг НАВБАТДАГИ XXVII СЪЕЗДИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг «КПССнинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифалар тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилади:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVII съезди 1986 йил 25 февралда чақирилсин.

2. Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқлансин:

1) КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ва партиянинг вазифалари — докладчи КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Ҳисоботи — докладчи КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ Г. Ф. Сизов.

3) Янги таҳрирдаги КПСС Программаси тўғрисида.

4) КПСС Уставига киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида.

5) СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган истиқболга мўлжалланган Асосий йўналишлари тўғрисида — докладчи СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

3. КПСС XXVII съездига вакиллик нормаси партиянинг 3670 аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПССнинг XXVII съездига делегатлар партия Уставига мувофиқ область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланади. Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларидан КПСС XXVII съездига делегатлар область партия конференцияларида сайланади.

Совет Армияси, Ҳарбий Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларида турувчи коммунистлар КПСС XXVII съездига делегатларни тегишли территориал партия ташкилотлари билан биргаликда область, ўлка партия конференцияларида ёки иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида сайлайдилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг чет эллардаги қисмлари партия ташкилотларида турувчи коммунистлар КПСС XXVII съездига делегатларни тегишли қўшин қўшилмаларининг партия конференцияларида сайлайдилар.

5. КПСС XXVII съезди арафасидаги ҳисобот-сайлов кампанияси қуйидаги муддатларда: бошланғич партия ташкилотларидаги йиғилишлар — шу йил сентябрь-ноябрь ойларида; район, шаҳар, округ партия конференциялари — ноябрь-декабрь ойларида; область, ўлка партия конференциялари — 1985 йилнинг декабрь — 1986 йилнинг январь ойларида; иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари 1986 йилнинг январь ойида — февраль ойининг бошларида ўтказилсин.

6. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларда, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш соҳасида қилинган ишлар чуқур ва атрофлича кўриб чиқилсин, хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарлик масалалари, ташкилий-партиявий, идеологик ишнинг аҳволи батафсил муҳокама қилинсин.

Ҳисобот-сайлов кампанияси давомида партия ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини 1985 йилни ва умуман ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллашга, ўн иккинчи беш йиллик планларини бажаришга ўз вақтида ва сифатли тайёргарлик кўришга, иқтисодий ва социал тараққиётнинг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида уюшқоқликни, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш асосида ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлашга қаратиш зарур. Съездолди социалистик мусобақасини авж олдиришда коммунистларнинг авангардлик роли, ички резервларни аниқлаш ва улардан яхшироқ фойдаланиш соҳасидаги қимматли ташаббусларни амалий равишда қўллаб-қувватлаш таъминлансин.

Партия йиғилишлари, конференциялари ва съездлари ишчанлик, принципиаллик, партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбар органлари ишига баҳо беришга ўз-ўзини танқид нуқтаи назаридан ёндашиш вазиятида ўтиши лозим. Ҳисобот ва сайловлар партия турмушининг ленинча нормаларини янада мустаҳкамлашга, ички партиявий демократияни, юқоридан ва қуйидан танқидни ривожлантиришга, коммунистларнинг активлиги ва ташаббускорлигини ўстиришга, уларнинг ўз ташкилотларидаги ва умуман партиядаги ишлар учун масъулиятини оширишга кўмаклашиши муҳимдир.

КПСС Марказий Комитети КПСС XXVII съездига тайёргарлик юксак ташкилий ва ғоявий-сиёсий даражада, партия сафларининг мустаҳкам жипслиги, партия билан халқнинг бузилмас бирлиги белгиси остида ўтади, деб қатъий ишонч билдиради.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси
Егор Кузьмич ЛИГАЧЕВ



Ўртоқ Е. К. Лигачев 1920 йилда туғилган, миллати рус, 1944 йилдан КПСС аъзоси. С. Оржоникидзе номли Москва авиация институтини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган.

Институтни битириб чиққанидан кейин Новосибирск шаҳридаги авиация заводида инженерлик лавозимларида ишлаган, ВЛКСМ Новосибирск область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланган.

1949 йилдан буён партия ва совет ишида. Шаҳар партия комитетининг бўлим мудири, область ижроия комитети раисининг ўринбосари, район партия комитетининг биринчи секретари, КПСС Новосибирск область комитетининг бўлим мудири ва секретари бўлган.

1961—1965 йилларда КПСС Марказий Комитети РСФСР бўйича пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, партия органлари бўлими мудирининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1965 йилдан бошлаб—Томск область партия комитетининг биринчи секретари.

1983 йил апрелида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири этиб тасдиқланди. Марказий Комитетнинг 1983 йил декабрь Пленумида КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайланди.

Е. К. Лигачев 1966 йилдан Марказий Комитет аъзолигига кандидат, 1976 йилдан бошлаб эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР Олий Совети (7—11 чақириқлар) ва РСФСР Олий Советининг депутати.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси
Николай Иванович РИЖКОВ



Ўртоқ Н. И. Рижков 1929 йилда туғилган, миллати рус, 1956 йилдан КПСС аъзоси. С. М. Киров номидаги Уральск политехника институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1950 йилда С. Оржоникидзе номидаги Уральск оғир машинасозлик заводининг смена мастери лавозимидан бошлаган, шу ерда пролет бошлиғи, цех бошлиғи, бош пайвандчи, директор ўринбосари бўлиб ишлаган, 1965 йилдан эса — бош инженер. 1970 йилдан бошлаб Н. И. Рижков — шу заводнинг директори, сўнгра эса «Уральмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

1975 йилда оғир ва транспорт машинасозлиги министрининг биринчи ўринбосари, 1979 йилда эса СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида Н. И. Рижков КПСС Марказий Комитетининг секретари қилиб сайланди. Айни вақтда у КПСС Марказий Комитетининг экономика бўлимига мудирлик қилди.

Н. И. Рижков 1981 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети (9—11 чақириқлар) ва РСФСР Олий Советининг депутати. Икки марта СССР Давлат мукофотининг лауреати.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси
Виктор Михайлович ЧЕБРИКОВ



Ўртоқ В. М. Чебриков 1923 йилда туғилган, миллати рус, 1944 йилдан КПСС аъзоси. Днепропетровск металлургия институтини тамомлаган.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан бошлаб фронтда бўлди: Жанубий-ғарбий, Сталинград, Воронеж, Степной, 1- ва 4-Украина фронтларида оддий аскар бўлди, взвод, рота, батальонга командирлик қилди.

Урушдан кейин, институтни битиргач, Петровский номидаги Днепропетровск металлургия заводида инженер бўлиб ишлади. 1951 йилдан партия ишига ўтди. Райкомнинг биринчи секретари, заводда КПСС Марказий Комитетининг партия ташкилотчиси, шаҳар партия комитетининг иккинчи ва биринчи секретари, Днепропетровск область партия комитетининг секретари, иккинчи секретари бўлди.

1967 йилдан В. М. Чебриков—СССР Давлат хавфсизлиги комитети кадрлар бошқармасининг бошлиғи, сўнгра комитет раисининг ўринбосари, биринчи ўринбосари бўлди. 1982 йил декабрида СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этиб тайинланди, армия генерали.

1971 йилдан— Марказий Комитет аъзолигига кандидат, 1981 йилдан эса, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил декабрь Пленумида В. М. Чебриков КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди.

СССР Олий Совети (9—11 чақириқлар) ва РСФСР Олий Советининг депутати. СССР Давлат мукофотининг лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СУҲБАТ БЎЛИБ ЎТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Совет — Хитой сиёсий маслаҳатлашувларида қатнашаётган ХХР ҳукуматининг махсус вакили, ХХР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Цян Цичэнни 22 апрель куни қабул қилди.

Суҳбат чоғида СССР билан ХХР ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва бу муносабатларни ривожлантириш истиқболлари масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

А. А. Громико Совет Иттифоқи иккала мамлакат ўртасида ҳамиша яхши қўшничилик ва дўстона муносабатларнинг тарафдори бўлиб келаётганлигини уқтириб, У КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети март Пленумида Совет Иттифоқи Хитой билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашга интилаётганлиги, икки томонлама ҳамжиҳатлик бўлган тақдирда бунга эришиш тамомила мумкин эканлиги ҳақида айтган гаплари, шунингдек унинг ХХР Давлат кенгаши Бош министри ўринбосари Ли Пэнь билан суҳбат вақтида бу борада билдирган фикрлари муҳимлигини таъкидлади. **(ТАСС).**

ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

23 апрель куни Тошкентда Ўзбекистонда халқаро ёшлар йилини ўтказувчи республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова олиб борди.

Ёшлар йили режаларига мувофиқ амалга ошириладиган барча тадбирлар ёшларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашни янада яхшилашга, уларнинг меҳнат ва жамоат активлигини оширишга қаратилиши лозимлиги уқтириб ўтилди. Бир қанча министрлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети раҳбарларининг ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказилаётган халқаро фестивалига қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Республикада халқаро ёшлар йилини ўтказувчи комиссиянинг иш плани ва тадбирлар плани муҳокама этилиб, маъқулланди. **(ЎзТАГ).**

ҒАЛАБА КУНИ ШАРАФИГА

ШАНБАЛИККА ЧИҚАМИЗ

1985 йилнинг 4 майида совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги Ғалабаси 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини ўтказишни таклиф қилган қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград, Волгоград корхоналарн ва ташкилотлари коллективларининг ташаббуси кенг миқёсда маъқулланмоқда. Қаҳрамон шаҳарлар — Киев, Минск, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула ҳамда Брест шаҳри меҳнаткашлари бу ташаббусни биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар. Улар КПСС Марказий Комитетига йўллаган мактублари ва мурожаатномаларида ватанпарварлик ташаббусини астойдил маъқулламоқдалар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳаётимизда ҳамма учун айниқса азиз бўлган бир байрам бор, дейилади мурожаатномаларда, бу байрам Улуғ Ватан урушидаги Ғалаба кунидир. Мамлакатимизнинг осмони қарийб 40 йилдан бери мусаффо ва осойишта бўлиб турибди. Йиллар ва ўн йиллар ўтар, аммо энг оғир синовларда, жонларини аямай, маккор душманни ер билан яксон қилган, социалистик Ватанининг шон-шарафи ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган жангчилар, партизанларнинг, яширин шароитда ишлаган азаматларнинг, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг қаҳрамонона жасорати халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Улар кўрсатган мардлик, матонат, ватанпарварлик, интернационал бурчга садоқатнинг юксак намунаси ҳозирги ва келажак авлодларга илҳом бериб, уларни қандай яшаш, курашиш ва ғалаба қилиш кераклигига ўргата беради.

40 йил муқаддам курашиб қўлга киритилган Ғалаба — тарихгина эмас, ҳозирги замон ҳамдир. Биз бу Ғалабанинг манбаларига қайта-қайта назар ташлаб, Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига тенглашишга интиламиз, ёш авлодни юксак ватанпарварлик фазилатлари, Ленин партияси ишига узлуксиз садоқат руҳида тарбиялаш учун уларнинг ҳаёт тажрибасидан ва маънавий намунасидан фойдаланамиз.

Шодиёна Ғалаба байрами арафасида тинчликдан азиз нарса йўқлигини, аммо унинг учун фидокорона меҳнат қилиш кераклигини айниқса яхши ҳис этасан, кишн.

Ҳар бир совет кишиси шуни англаб, фақат зарбдор, ижодий меҳнатгина Советлар мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини ошириш, халқнинг ошиб бораётган маънавий ва моддий эҳтиёжларини ҳар томонлама, тўлиқроқ қондириш, социализмнинг халқаро позицияларини янада кўпроқ мустаҳкамлаш имконини беришини тушуниб турибди. Бунинг учун қўлдан берилган имкониятнинг ўрнини қоплашга ҳамда йиллик планни ва бутун ўн биринчи беш йиллик планни муваффақиятли бажаришга кўмаклашадиган резервларга бутун диққат-эътиборни қаратиш зарур.

Меҳнат коллективлари КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга интилиб, 4 май куни Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги даъватни астойдил маъқулламоқдалар. Бу кун энг юксак меҳнат унумдорлиги куни, тежамкорлик куни, тежалган хом ашё, материал ва электр энергия билан ишлаш куни бўлиб қолсин.

Қаҳрамон шаҳарлар — Москва, Ленинград ва Волгоград илғор коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини В. И. Ленин номли КИЕВ «Арсенал» заводи митинги қатнашчилари қўллаб-қувватлашди. Бу ердагилар тежаб қолинган хом ашё ва материаллар ҳисобига 4 майда икки смена ишлаб, шу куни 20 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга қарор қилдилар.

МИНСК меҳнаткашлари умумхалқ байрамини зарбдор текин меҳнат қилиш билан нишонлайдилар. «Белавтомаз» бирлашмаси автомобиль заводининг, КПСС XXV съезди номидаги «Интеграл» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Октябрь революцияси номидаги станоксозлик бирлашмасининг, «Минск мотор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси мотор заводининг, Т. Я. Киселев номидаги майин мовут ишлаб чиқариш бирлашмасининг, Минск районидаги Гастелло номли колхознинг коллективлари барча меҳнатчиларни шу куни стахановчасига ишлашга, меҳнат унумдорлигини ва аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни имкони борича оширишга эришишга чақирдилар. Минск корхоналарининг юзлаб бригадалари, участкалари, цехлари Ғалаба кунигача беш йиллик топшириқларини бажарадилар.

ОДЕССАДАГИ «Центролит» қуюв заводи, Январь қўзғолони номли оғир крансозлик бирлашмаси, Қора денгиз пароходчилиги, В. В. Воровский номидаги ишлаб чиқариш бирлашмаси, уйсозлик комбинати меҳнат коллективларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 4 майда зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатиш мажбуриятини олдилар. Цехларда, бригадаларда аввалги бутун самарали ва сифатли иш туфайли тайёрланган тиғиз ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш режалари тузилди.

СЕВАСТОПОЛЛИКЛАР— «С. Оржоникидзе номидаги Севастополь денгиз заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг, В. И. Ленин номли приборсозлик заводининг, «Кримморгидрострой» ва «Севастопольстрой» трестларининг, уйсозлик комбинатининг, «Югрибхолодфлот» ва «Атлантика» бирлашмаларининг коллективлари касбдош ўртоқларини бу олижаноб ташаббусни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

НОВОРОССИЙСК меҳнаткашлари «Пролетарий» цемент заводи, денгиз савдо порти, «Красный двигатель» ва кема ремонт заводлари, Л. И. Брежнев номидаги «Новоросцемент» комбинати коллективларининг даъватига биноан 4 май куни шанбаликка чиқадилар.

Войков номидаги КЕРЧЬ металлургия заводининг коллективи «Тинч меҳнатимизни Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаймиз» деган шиор остида меҳнат қилади. Денгиз савдо портининг коллективи энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишни белгилади: 5,5 минг тонна юкни ортиш ва туширишга, 50 та темирйўл вагонига юк ортишга қарор қилди.

ТУЛА ишчилари ҳам Ғалабанинг 40 йиллигини фидокорона меҳнат билан нишонлайдилар. Қурол-аслаҳа заводи, В. М. Рябиков номидаги машинасозлик заводи, «Чайка» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Тулгорстрой» қурилиш бошқармаси, политехника институтининг коллективлари 4 майни умумхалқ меҳнат байрамига айлантиришга чақирдилар. Шу куни хизматчилар ҳам, студент ёшлар ҳам, шунингдек кексалик гаштини суриб ҳордиқ чиқараётган меҳнат ва уруш ветеранларининг анчагина қисми ҳам иш жойларига чиқадилар.

Брест қалъаси қаҳрамонлари шуҳратига чулғанган шаҳар—БРЕСТДАГИ КПСС XXV съезди номли электр механика заводининг, устки трикотаж фабрикаси ва бинокорлик материаллари комбинатининг ходимлари барча меҳнаткашларни 4 май куни коммунистик шанбаликка чиқишга чорладилар.

Ҳар биримиз, дейишмоқда мамлакатда ўтказилаётган митинглар йиғилишларнинг қатнашчилари, тинчликнинг тақдири учун, Ватаннинг мудофаа ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш учун масъулиятни англаб турибмиз. Миллионларнинг зарбдор меҳнати фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг бунёдкорлари ва ижодкорларига қўйиладиган улуғвор ёдгорлик бўлиб қолсин.

Қаҳрамон шаҳарлар — Киев ,Минск, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тула ва қаҳрамон қалъа — Брест меҳнаткашлари мамлакатнинг барча коллективларини 4 май куни Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини зарбдорларча ўтказишга чақирдилар. Шундай қилиш бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир, дейишмоқда совет кишилари. Бу — фашизм устидан тарихий Ғалаба қозонган, ер юзида тинчлик ишини ҳимоя қилиб қолган кишиларнинг муқаддас хотирасига ҳурмат нишонасидир.

„ТО" спорт ҳафтаси


ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ

● Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида тошкентликлар олдинда боришмоқда. Ғалабада сизнинг ҳам ҳиссангиз бор. Иккинчи тахтада вазият кескинлашди.

● Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.

● 31-юриш қандай бўлиши керак!

Ўтган чоршанба куни, яъни 17 апрелда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонларининг сиртқи шахмат матчида ўттизинчи юриш эълон қилинган эди. Кўпчилик мухлисларнинг таклифига кўра b7 катагида турган фил d5 катагига юрилган эди. Бу юришга олмаоталиклар c7—c6 билан жавоб беришди.



Ҳурматли шахмат мухлислари! Ўзингиз оқ доналарда ўйнаётган иккинчи тахтада навбатдаги — 31-юриш қандай бўлиши керак?

Бу ҳақдаги фикр ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

Энг мақбул юришларни таклиф этган газетхонларнинг исм ва фамилиялари газетамизда эълон қилинади.

Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўлланг: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32, «Тошкент оқшоми» («Дўстлик матчи»)га. Таклифларингизни 32-55-32, 33-08-74 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

Анатолий КАРПОВ: «Дўстлик» матчи қатнашчиларига омад тилайман»

ОЛМАОТА ВА ТОШКЕНТ ШАҲАРЛАРИНИНГ «ОҚШОМ» ГАЗЕТАЛАРИ БОШЛАГАН ШАХМАТ БЎЙИЧА СИРТҚИ «ДЎСТЛИК» ШАХМАТ МАТЧИНИ ЎТКАЗИШ ТАШАББУСИНИ ҚИЗҒИН ҚЎТЛАЙМАН.



Узбекистон ва Қозоғистон пойтахтлари орасидаги масофа бир неча юз километрни ташкил этади. Бу оралиқда жуда кўп тоғлар бор. Шунга қарамасдан ҳар икки шаҳарлар аҳолиси шахмат бўйича беллашиб, масофани бартараф этишган. Қадимий ўйин ихлосмандларининг кўплигини қуйидаги рақамдан ҳам билиб олса бўлади. Фақат Тошкентнинг «Оқшом» газеталари 2 мингдан зиёд таклиф ва мулоҳазалар битилган хат олган.

Бу шахмат ўйинининг моҳияти жуда чуқур. Унда жуда кенг маъно мужассамлашган. Тошкентлик ва олмаоталик шахмат мухлисларининг сиртқи матчи «Дўстлик матчи» деб номланган ҳам бежиз эмас.

Мен биринчи тахтада ғалабага эришган тошкентликларни самимий табриклайман. Иккинчи тахтада қилинган b7—d5 юриши уларни ғалабага яқинлаштириб қўйган. Лекин шахмат ўйинида олдиндан қатъий хулоса чиқариб бўлмайди...

Шуни таъкидламоқчиманки, бу ерда ким ғолиб чиқишидан қатъий назар шахмат ғалаба қозонади. Бизнинг бутун шахмат мактабимизни Тошкент ва Олмаота шаҳарлари «Оқшом» газеталари томонидан ташкил этилган жуда зарур ва қизиқарли шахмат матчи сингари ижодий ташаббуслар бойитиб туради.

13 ёшимда биринчи марта ўзбекистонлик шахматчи билан тахта атрофида ўтириб, беллашган эдим. Бу Бутуниттифоқ ўқувчилар спартакиадасида бўлган. Кўп йиллардан буён республика шахмат мактабининг ривожланиш йўлларини кузатиб бормоқдаман. Тошкентлик Георгий Аъзамов билан учрашганман. Эсимда, ўша учрашув дуранг натижа билан якунланган эди. Г. Аъзамовни ҳар жиҳатдан шаклланган, кучли спортчи деб ҳисоблайман.

Узбекистонлик ва тошкентлик шахмат мухлисларига ягона истагим шуки, улар Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда республика шарафини муносиб ҳимоя қиладиган яна икки гроссмейстерга эга бўлишса яхши бўларди.

«Дўстлик» матчи қатнашчиларига ижодий омадлар тилайман. Шахматда ҳам, турмушда ҳам, меҳнатда ҳам омад ёр бўлсин, дейман.

СПОРТ КУНДАЛИГИ

● Шайбалик хоккей бўйича мамлакат биринчилигининг иккинчи лига зоналарида ғолиб чиққан олти команда ўтиш турнири баҳсларини давом эттиришмоқда. Тошкентнинг «Бинокор» командаси навбатдаги учрашувни ўз майдонида Барнаул шаҳрининг «Мотор» командаси билан ўтказди.

Маълумки, бу командалар ўртасида Барнаулда бўлган учрашувда тошкентлик хоккейчилар 6:4 ҳисобида ғалабага эришиб, имкониятларини яхшилаб олишган эди. Бу сафарги учрашувда ҳам бинокорчилар юксак маҳорат кўрсатишди. Улар рақибларини 7:3 ҳисобида енгиб, очколар запасини олтитага етказишди. Ҳамшаҳарларимиз яна уч мартадан майдонга чиқишади. Уларда қайд этиладиган натижаларга жуда кўп нарса боғлиқ. Барча учрашувларда ғалабага эришилсагина «Бинокор» келгуси мавсумда биринчи лигада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

● Олмаота шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати баҳслари давом этмоқда. Бу ерда республикамиз шарафини тошкентлик халқаро классли спорт мастери Ирина Бараканова ҳимоя қиляпти. У мажбурий ва эркин программани бажаришда маҳорат кўрсатиб учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

● ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЮТУҚЛАРНИ БОЙИТИБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг физкультура коллективи эришаётган муваффақиятлари салмоқли бўлмоқда. Жумладан, республика олий ўқув юртлари ўртасида спартакиаданинг 26 тури бўйича ўтказилаётган мусобақаларда натижалар яхши бўляпти. Университет спортчилари бадий гимнастика, стол тенниси, енгилчик, баскетбол, шахмат баҳсларида биринчи ўринни қўлга киритдилар. Ютуқлар план асосида ўтказилган тадбирлар самарасидир. Бунга факультетлараро университет спартакиадаси замин бўлди. Шу ўринда ўтган йилги натижаларга назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

Коллективда 10 СССР спорт мастери, 22 спорт мастерлигига кандидат, 108 биринчи разрядли, 2406 оммавий разрядли спортчи, 2356 ГТО нишондори тайёрланди. Жаҳон биринчилигида иккита, Европа биринчилигида битта, Иттифоқ биринчилигида 36 та, республика биринчилигида эса 64 та медаль қўлга киритилди.

Юридик факультети учинчи курс студенти, халқаро классдаги спорт мастери Маҳарбек Хадарцев ўтган йили ёшлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида қўш олтин медалли бўлди. Ёшларнинг Европа чемпионатида яна бир олтин медални кўкисига тақиб, СССР терма командасининг эркин кураш бўйича жаҳон кубогини қўлга киритишига муносиб ҳисса қўшди.

Шу факультетнинг иккинчи курс студенти, бадий гимнастика бўйича халқаро классдаги спорт мастери Венера Зарипова ҳам мамлакат терма командасининг аъзосидир. У СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадасида, Бутуниттифоқ, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритди.

Классик курашчилар Б. Жўраев, Ш. Худойбердиев, С. Узоқовлар Бутуниттифоқ мусобақаларида ғолиб бўлишди.

Бутуниттифоқ студент спорти ўйинлари якунига кўра еттинчи ўринни эгаллаган университет спортчиларининг ютуғи муносиб тақдирланиб, СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасининг медали билан мукофотланди.

Оммавий физкультуранн йўлга қўйиш, маҳоратли спортчиларни тайёрлаш борасида 36 кишидан иборат физкультура ва спорт кафедраси илмий педагогик коллективи ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Д. КИРҒИЗБОЕВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
24 АПРЕЛЬ, 1985 й.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ҲАММА ЯХШИ НАРСАЛАР — БОЛАЛАРГА



«МАЛИШ», «ПИОНЕР» ВА «ЮНИЙ ТЕХНИК» МАГАЗИНЛАРИ

КИЧКИНТОЙЛАР ВА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИЛАР, ПИОНЕРЛАР, ОКТЯБРЯТЛАР — ХУЛЛАС БАРЧА БОЛАЛАРНИ ЎЗ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

БУ МАГАЗИНЛАР БОЛЬШЕВИК КЎЧАСИДАГИ 6-«а» УЙДА В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИ РЎПАРАСИДА ЖОЙЛАШГАН.

Яқинда бу магазинлар реконструкциядан кейин ўзининг эшикларини севимли кичик харидорлари учун яна кенг очди.

Бу ерда чиройли безакланган витриналарга ранг-баранг буюмлар чиройли қилиб териб қўйилган. Кенг, нурафшон залларда— болаларни хурсанд қиладиган ранг-баранг моллар муҳайё этилган.

Шўх гулли газламалар, жозиба гулли болалар кийимлари: кўйлаклар, юбкалар, сарафанлар, пальтолар ва плашчлар, қиз болаларга аталган бўлиб, улар диққатни жалб этади;

ўғил болаларни хурсанд қилиш мақсадида костюмлар, шимлар, кўйлаклар майкалар муҳайё этилган.

Қўғирчоқлар, машиначалар, коптоклар, дам бериб шиширилади ган ўйинчоқлар, стол ўйинлари, «конструктор»лар ўзининг кичик хўжайинларини интизорлик билан кутмоқда.

«Ёш техник» бўлими дурадгорлик, конструкторлик касбларини севадиган ишқибозларини ўз бағрига таклиф қилади.

ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА БУ МОЛЛАР ЎЗ-ЎЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СЕКЦИЯЛАРИДА ЖОЙЛАШТИРИЛГАН.

Сизнинг фарзандларингизга фасони, ранги монанд келадиган чиройли буюмларни танлашда малакали сотувчи-консультантлар сизга яқиндан ёрдам беришади.

«МАЛИШ», «ПИОНЕР», «ЮНИЙ ТЕХНИК» магазинлари соат 10 дан 19.00 гача ишлайди.

Танаффус — 14.00 дан 15.00 гача. Душанба — дам олиш куни.



«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

ДИҚҚАТ!

УЗАЙТИРИЛГАН МУДДАТДА САҚЛАШ УЧУН ТОПШИРИЛГАН ҚИММАТБАҲОЛИ МЕТАЛЛАР

«ГЛАВЮВЕЛИРТОРГ»

МАРКАЗИЙ СОТИБ ОЛИШ БАЗАСИГА ЖЎНАТИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛОМБАРДЛАР БИРЛАШМАСИ

буюмларни гаровга топширган кишилардан 1985 йил 2 майга қадар қайта сотиб олишларини сўрайди.

Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин даъволар қабул қилинмайди.

ЛОМБАРДЛАР АДРЕСИ:

1 ва 2-—Олмазор массиви, Фурқат кўчаси, 14-уй;
3—Юнусобод массиви, В-4, 8-уй.

Иш вақтлари— соат 9.30 дан 18.30 гача, танаффус — 13 дан 14.00 гача.

Дам олиш кунлари —якшанба ва душанба.

ҲАМИША ЖИЛОЛАНУВЧИ БИЛЛУР



ҚЎЛИ ГУЛ УСТАЛАР ТАЙЁРЛАГАН

БИЛЛУР БУЮМЛАР ШАКЛИНИНГ НАФИСЛИГИ, НАҚШИН ГУЛЛАРИНИНГ ГЎЗАЛЛИГИ БИЛАН

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ИЖОД ҚИЛГАН МЎЪЖИЗАЛАРДАН ҚОЛИШМАЙДИ.

«ТАШХОЗТОРГ»

МАГАЗИНЛАРИД А Н ГУЛЛАР УЧУН ВАЗАЛАР, МЕВАЛАР УЧУН ЛАГАНЛАР, САЛАТДОНЛАР, ФУЖЕРЛАР, СТАКАНЛАР, ҚАДАҲЛАР

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

«ТАШХОЗТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

УҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985—86 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ВА МИКРОСХЕМАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ, ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИ, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА АСБОБЛАРИ ВА ДЕТАЛЛАРИНИ СИНОВЧИ, РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА АСБОБЛАР МОНТАЖЧИСИ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшайдиган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати 8—10 ой. Ўларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия тўланади. Билим юртини битирганларидан сўнг эгаллаган касблари бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати—3 йил. Улар билим юртини битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом оладилар. Ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал овқат билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти спорт базасига эга.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

8-синф ҳажмида маълумотлилар группасида машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Ўрта маълумотлилар группасида машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Весна кўчаси, 17-уй (12, 37, 68, 80, 81, 106, 183-автобусларнинг «Узбум» комбинати», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон 91-14-51.

ТВ

чоршанба

24 АПРЕЛЬ

● МТ I

17.55 «Парвозлар куни». Ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Қуролли Кучлари» туркумидан.
18.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. Н. Грибачёв.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хушёрлик — ҳаёт нормаси».
20.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2- ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Ярим финал. «Динамо» (Москва) — «Рапид» (Вена). Танаффус пайтида (22.45) — «Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
19.15 В. Беллини. «Пуритане».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ритм» операцияси». 2-кўрсатув.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.00 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.20 Арманистон ССР халқ артисти, Арманистон Давлат мукофотининг лауреати Л. Закарян куйлайди.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Шоирлар — болаларга». Зафар Диёр.
18.45 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.15 «Экиш мавсуми кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг ижодий кечаси.
23.45 Янгиликлар.

пайшанба

25 АПРЕЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 СССР Давлат академик рус хорининг концерти.
10.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.40 «Концертдан сўнг ярим соат». Фильм-концерт премьераси.
12.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар.
16.10 «Танзания: тараққиёт йўлидан». Киноочерк.
16.45 «Моҳир қўллар».
17.15 «Тарих саҳифалари». «Эльбадаги қасамёд».
17.45 «Кувноқ нотачалар».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий дунёси».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар: «Энг кичик гном», «Ҳамма гап шляпада».
19.55 «Фан ва турмуш».
20.25 «Ғалаба стратегияси». Кўп сериялн телефильм премьераси. 11-фильм — «Европани озод қила бориб...» 2-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Сиз бунга қодирсиз».
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — ЧССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сиз Бахни севасизми?» Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Усимликларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Янги поликлиника ва турар жой райони».
10.15, 13.40 Испан тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. В. Маяковский. «Владимир Ильич» поэмаси.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф.
12.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.30 «Яна бир бор Байкал ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
13.10 Физика. 7-синф. XI беш йилликда СССРни электрлаштириш.
14.10 «Менинг ёш дўстларимга». М. М. Пришвин асарлари саҳифаларидан.
14.55 «Милтиқли киши». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
19.45 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Е. Станкович. «Қирққулоқ гули». Халқ операсидан саҳналар.
21.15 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.20 РСФСР халқ артисти О. Воронец ҳамда М. Осипов номли Давлат рус халқ академик оркестрининг концерти.

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. «1 Май байрами».
10.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
12.00 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.).
12.30 Зоология. Маймунлар.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун. Буюк Ғалаба».
22.35 «Эльбадаги учрашув». Бадиий фильм.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/IV да **Жизель**, 25/IV да **Оловли фариштa**, 26/IV да **Хореография билим юрти ўқувчиларининг концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/IV да 600-спектакль **Келинлар қўзғолони**, 25/IV да **Зебуннисо.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 24/IV да **Хотинимнинг эри**, 25/IV да **Ўзилган торлар**, 26/IV да **Тошболта ошиқ.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— 23/IV **дан бошлаб фақат 10 кун. КУЛГИ КЕЧАСИ** (19.30).

кино

24 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ҒАЛАБА» — **Тинчлик** (17, 20.00), **К. Ерматов номли** (17, 20.00; телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (19.00; телефон 91-10-51), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (17, 20.00; телефон 33-41-83), **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-63-60).

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Санъат саройи** (катта зал 18.30, 20.45; кичик зал 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Ватан** (18.30, 21.00), **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (18.30, 20.00; телефон 46-47-74), **Москва** (18.30, 20.40; телефон 33-12-76).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25);

«ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (20.45; телефон 42-39-74). **Дружба** (18, 20.00; телефон 66-15-75).

25 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ДЎСТИМ ИВАН ЛАПШИН»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ»—**Санъат саройи** (катта зал 11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-47-74), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-12-76).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒАЛАБА» —**К. Ерматов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 24-22-66), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19.00; телефон 91-10-51), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (11, 14, 17, 20,00; телефон 33-41-83), **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; телефон 96-63-60).

«СЕНИНГ МЎҲАББАТИНГ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (12, 15, 18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ҒИРТ ЕЛҒОНЧИ» — **М. Шайхзода номли** (11, 13.30, 16.30, 30.45; телефон 42-39-74), **Дружба** (11, 12, 14, 15, 18, 20.20; телефон 66-15-75).

«АФРИКАЛИК» —**Тинчлик** (тоқ соатларда, телефон 58-36-06), **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51). **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

26 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «АСК» (Хабаровск)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ФУТБОЛ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» Марказий стадиони кассаларида олдиндан билет сотиш ташкил этилган.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; вилоятлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12212. Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.